Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 60 (10.056). 1991 йил 28 март • пайшанба • Баҳоси 6 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

26 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Мажлисни жумҳурият Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

СССР референдумини ўтказувчи Ўзбекистон ССР Марказий комиссияси раисининг Ўзбекистон ССРда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш юзасидан бўлган референдум якунлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Совет, партия идоралари, жамоат бирлашмалари, халқ депутатларининг аниқ бир мақсадга йўналтирилган ишлари, Марказий комиссиянинг ана шу ниҳоятда муҳим сиёсий тадбирни ташкилий-техникавий жиҳатдан таъминлашга оид аниқ-пухта фаолияти туфайли республикамизда референдум юксак даражада ўтди, Ўзбекистон халқлари мустақил давлатларнинг янгиланган федерацияси сифатида ягона иттифоқни сақлаб қолиш йўлига қатъий содиқ эканлигини намойиш қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши комитетларининг 1991 йилги қонун лойиҳаларига доир ишлари режаси кўриб чиқилди. 40 дан ортиқ қонун лойиҳасини, шу жумладан «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида», «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ўзбекистон ССР аҳолисини иш билан таъминлаш ҳақида», «Ўзбекистон ССРда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва бошқа бир қанча муҳим лойиҳаларни ишлаб чиқиш керак. Раёсат режа лойиҳасини маъқуллаб, Олий Кенгаш комитетларининг, республика вазирликлари, идораларининг уни амалга ошириш борасидаги аниқ-равшан вазифаларини белгилаб берди.

Республика Президенти И. А. Каримов тақдим этган «Ўзбекистон ССРда СПИД касаллигининг олдини олишга доир шошилинч тадбирлар тўғрисида»ги фармоннинг лойиҳаси муҳокама қилинди. Раёсат республикада СПИД касаллиги оқибатларининг олдини олиш ишида ушбу фармоннинг фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, унинг лойиҳаси матнини маъқуллади.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсатининг 1985 йил 17 августдаги фармонининг матнига ўзгартишлар киритилди. М. Йўлдошев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати вазири вазифасидан озод этилди.

Б. Р. Раҳимовнинг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвонини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

Энг муҳими—одамларга енгил бўлсин

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларнинг ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари ҳақида»ги қарори эълон қилинди. Унда студентларга ва ўқувчиларга, пенсионерлар, болаларга, ижтимоий пенсиялар ва нафақалар олувчи бошқа шахсларга дастлабки тўловлар олдиндан, 1991 йил 1 апрелига қадар тўланиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Яқинда биз вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи **Нажим Назирович Назиров** билан учрашиб, ундан бу борада бошқарма жамоаси амалга ошираётган ишлар тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

— Биз бу ишга СССР Президентининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Фармони чиққан заҳоти киришганмиз. Ходимларимиз шаҳар ва районларда бўлиб, муҳим тадбирнинг тез ва пухта бажарилишини таъминладилар.

Вилоятимизда 256 минг нафар пенсионер бўлиб, шундан 223 минг нафари ишламайди. Биз биринчи навбатда шундай кишиларга 8, 10 нафардан ортиқ фарзанди бор оналарга компенсация тўладик. Чиноз, Тошкент, Калинин районлари алоқа бўлимлари 20 мартдан бошлаб пенсионерларга 65 сўмдан қўшимча нафақа пулларини тарқатиб чиқишди. Бугунги кунда бу муҳим тадбирни муддатидан олдин бажардик.

— Кимлар чегараланмаган миқдорда нафақа ва иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга?

— Янги пенсия қонунига кўра 1991 йил январдан ишловчи пенсионерларга пенсия тўлашда ўзгаришлар бўлди. Масалан, давлат идорасида ишлайдиган хизматчи ойига 300 сўм иш ҳақи олади, дейлик. Бундай кишиларга бир вақтнинг ўзида ҳам иш ҳақи, ҳам нафақа олишга рухсат берилмайди. Улуғ Ватан уруши ногиронлари, қатнашчилари, ногиронлар, ишчи, колхозчи, усталар эса чегараланмаган миқдорда нафақа ҳамда иш ҳақи олиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу партия ва ҳукуматимизнинг собиқ жанговарларига нисбатан эътиборининг яна бир яхши намунаси ҳисобланади.

— Боқувчиларини йўқотган оилаларга бериладиган имтиёзлар ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтсангиз?

— Биз боқувчиларини йўқотган оилаларни икки тоифага ажратганмиз. Биринчиси, боқувчиси Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган оила, иккинчиси, боқувчиси ўз ажали билан ёки меҳнатда жароҳатланиб ўлган оила. Шунингдек, ота-оналаридан бир йўла айрилган етимлар ҳам бор. Давлатимиз бундай кишиларга катта имтиёзлар яратган. Масалан, боқувчисини йўқотган, лекин қарамоғида 5 нафар вояга етмаган фарзанди бўлган аёллар ва эркаклар фарзандларининг ҳар бирига улар 16 ёшга етгунча 65 сўмдан, ота-онаси бўлмаган етим болаларга 130 сўмдан компенсация тўланади.

Вилоятимизда қарамоғида 5-10 нафардан фарзанди бўлган, лекин, нафақа олмайдиган оилалар бор. Биз ана шундай кишиларнинг ҳар бир фарзанди учун ҳам ойига 40 сўмдан нафақа тўлаймиз.

Давлатимиз аёлларга мунтазам равишда ғамхўрлик қилиб келмоқда. Масалан, беш болани 8 ёшгача тарбиялаган она эллик ёшга етганда 15 йиллик иш стажи билан қарилик пенсиясига чиқиши мумкин.

— Нажим Назирович, мамлакатимизда жуда кўп қонун ва қарорлар қабул қилинди. Жумҳуриятимиз идора ва муассасаларидаги мутахассислар бу қонун ва қарорларни халққа шарҳлаб, тушунтириб бериш даражасига етишлари керак. Лекин, баъзи район ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларига кимларнингдир ҳоҳиши билан бу соҳага бутунлай ёт кишилар келиб қолади. Қарабсизки, кексаларимиз, оналаримиз ўз қонуний ҳуқуқларидан фойдалана олмай юришаверади, ариза ва шикоятлар кўпаяди.

— Тўғри айтдингиз. Бошқа соҳани билмадиму, лекин, бизнинг соҳада ишлайдиган кишилар қонунларни яхши тушунадиган мутахассис, одобли, сабр-тоқатли, одамлар билан тез тил топишиб кетадиган бўлишлари лозим. Афсуски, баъзи районларда ижтимоий таъминот бўлимларига ўзбошимчалик билан раҳбар тайинлайдилар, уларнинг халқ билан қандай муносабатда бўлишлари билан қизиқмайдилар. Масалан, Чиноз район ижтимоий таъминот бўлимига бу соҳага бегона мутахассис раҳбарлик қилди. Албатта, бундан ўзимиз зарар кўрдик. Ниҳоят илгари шу ерда ишлаган олий маълумотли мутахассис Исмоил Зоҳидов район ижтимоий таъминот бўлимига яна мудир этиб тайинланди. Анчадан шаҳрида ҳам худди шундай бўлди. Жуда яхши ишлаб турган мудирни вазифасидан бўшатишиб, ўрнига техникум директорини тайинлашди. Мен янги мудирни камситмоқчи эмасман. Лекин, ҳар бир мутахассис ўз ўрнида ишлагани яхши, демоқчиман.

Хулоса шуки, бугунги кунда ижтимоий таъминот бўлимлари зиммасига жуда катта масъулиятлар юкланган. Биз аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш тадбирларининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшишимиз лозим.

Бугунги кунда бошқармамиз ходимлари, мутахассислари катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқдалар: ҳамма пенсионернинг нафақаси қайта ҳисоблаб чиқилмоқда. Кўп болали оналарнинг нафақалари учун ҳам тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. Илгари 1,5 яшар фарзанди бўлган аёл ўзи ишламаса (турмуш ўртоғи ишлаши ёки ишламаслигидан қатъий назар) 35 сўмдан нафақа пули оларди. Энди бу миқдор 80 сўмга етказилди.

Суҳбатни Э. ҚОСИМОВ ёзиб олди.

Диққат: долзарб мавзуда суҳбат

Бизнинг федератив уйимиз

ҲАММАМИЗ МИНГЛАБ РИШТАЛАР БИЛАН БОҒЛАНГАНМИЗ

Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВнинг ИАН мухбири билан суҳбати

— Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни пайқаш қийин эмас: улар сезиларлидир. Шу муносабат билан ҳозир республиканинг амалдаги мустақиллиги тўғрисида гапириш мумкинми?

— Бизда марказдан келаётган у ё бу кўрсатмаларнинг мақсадга мувофиқлигини муҳокама қилиш қоидага айланмоқда. Иттифоқ ҳукуматининг қарорларига ўйлаб, мулоҳаза билан ёндашиш яққол кўриниб турибди. Лекин буларнинг ҳаммаси, таассуфки, биз мустақилликнинг аниқ самараларидан фойдаланаётибмиз, дейишга асос бермайди.

— Сиз Иттифоқ шартномаси имзоланиши зарур деб ҳисоблайсизми?

— Ҳа. Биз уни тузишни жуда чўзиб юбордик. Лекин бу шартномани тузиш истагимиз умуман биз республика манфаатларидан чекинишга бораётганлигимизни билдирмайди. Ўзбекистон, бунинг устига, республикалар ўртасида ўзаро манфаатли шартлар асосида горизонтал алоқаларни ривожлантиришга интилмоқда, улар билан битимлар тузишга тайёр, чунки айни шу битимлар Иттифоқ шартномасининг иқтисодий бўлимига асос бўлиши мумкин.

Бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман: биз Иттифоқ шартномасига имзо чекишни истамаётганларга ялиниб ўтиришимиз керак эмас. Куч билан ҳеч кимни Иттифоққа тортиб бўлмайди, деб ҳисоблайман. Тўғри, бу ерда гап у ё бу сиёсий гуруҳлар, ҳатто ҳозир ҳокимият тепасида турганларнинг истаклари тўғрисида эмас, балки халқларнинг ҳоҳиш-иродаси тўғрисида бориши керак.

— Федерация Кенгашида имзоланган 1991 йил учун вақтинча иқтисодий битим республика хўжалиги учун қандай аҳамиятга эга бўлади?

— Ҳозир, мамлакатда аҳвол кундан-кун ёмонлашиб бораётган, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳвол кескинлашаётган бир пайтда бундай битим зарурдир. Биз катта синовлар олдида турибмиз, бизнинг тангликдан чиқишимиз бугунги хатти-ҳаракатларимиз, республикаларнинг ўзаро ёрдамига боғлиқдир.

Қуйидаги масалага эътиборни қаратишни истайман: республиканинг иқтисодий аҳволи ниҳоятда оғир, ҳал бўлмаган муаммолар жуда кўп, лекин бизнинг хўжалигимиз бутун Иттифоқ бўйича корхоналар билан минглаб ришталар билан боғланган, шунинг учун бу йилги иқтисодий битимни тузмай Ўзбекистон ўз муаммоларини ҳал этишга қурби етмайди.

Жамиятнинг кайфияти кўп жиҳатдан истеъмол бозоридаги ишларнинг аҳволига боғлиқ. У ерда аҳвол оғир. Республикамиз ҳозирги вақтда ташқарига чиқарганидан кўпроқ маҳсулотни ташиб келтирмоқда, бунинг оқибатида маҳаллий бозор шартнома интизоми даражасига, мамлакатнинг бошқа минтақаларидан маҳсулот етказиб берилишига қаттиқ боғлиқ бўлиб турибди. Бир қатор республикалар, хусусан Озарбайжон, Арманистон; Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари белгиланган маҳсулот етказиб бериш режаларини бажармаяптилар. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя этилиши туфайлигина Ўзбекистон мамлакат кўпгина минтақалари учун хос бўлган кескин иқтисодий таназзулдан қутулиб қолишга ва ҳатто саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, халқ истеъмоли товарлари тайёрлашда айрим ўсишга эришишга муваффақ бўлди. Агар 1991 йилда республикалар ўртасидаги иқтисодий битимни амалга оширишга муваффақ бўлинса, биз бу тенденцияни ривожлантиришимиз мумкин.

— Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашнинг асосий йўналишларини айтиб беролмайсизми?

— Биз узоқ вақтгача ҳом ашё минтақаси бўлиб келган эдик ва афсуски, шундай бўлиб қолмоқдамиз. Ваҳоланки, бизнинг жуда бой минерал-хом ашё ресурсларимиз асосида аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган мажмуаларни аллақачон ташкил этиш мумкин эди. Шуниси қизиққи, республика, аниқроғи унинг раҳбарлари бизда ишлар Иттифоқнинг бошқа қисмларидагига нисбатан анча яхши деб кўрсатиб келишга уринганлар. Бундай мақтанчоқлик оқибати энди билинаяпти. Бизда иқтисодиёт мутлақо издан чиққан, ишлаб чиқариш кучларининг ишлаб чиқариш билан халқ истеъмоли товарлари ўртасидаги алоқалари йўқ. Иқтисодиётнинг аграр — хом ашё йўналиши устунлик қилиб келган. Пахта якка ҳокимлиги илгари томорқа, боғ, яйловлар учун фойдаланиб келинган ерларни тортиб олган эди. Одамлар ўрта Осиё учун анъанавий бўлган экинлар етиштириш кўникмаларини йўқота бошлаган эдилар. Эндиликда Ўзбекистонда бу оғир меросни тугатиш учун анчагина ишлар қилинди. Ишлаб чиқариш структураси ва нисбати ўзгармоқда, иқтисодиёт аҳоли турмушини яхшилаш томон мўлжал олдирилмоқда. Кам таъминланган, айниқса серфарзанд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга кўп эътибор берилмоқда. Бу йил ана шундай оилаларга ёрдам бериш учун бюджетдан миллиард сўмдан ортиқроқ пул ажратиш мўлжалланган. Бу оилаларда бир болага бериладиган ёрдамнинг ўртача миқдори ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки баробар ортади.

Республика халқ хўжалигини пул билан таъминлаш бўйича харажатларни 8,6 миллиард сўм кўпайтириш ҳам мўлжалланмоқда. Иттифоқ идоралари билан биргаликда жуда муҳим масала ҳал қилинди: хом ашё ресурслари етказиб бериш туфайли республиканинг ташқарисида ҳосил бўладиган даромадлардан унинг бюджетига пул ўтказиб турилади-ган бўлди. Бу йилга у 10,7 миллиард сўм миқдорида қилиб белгиланди. Бироқ, биз ҳозирча тақчилсиз бюджетдан қутула олмадик, тўғри у ўртача Иттифоқ даражасидан 1,5 фоиз пастдир.

— Сиз республикадаги ҳозирги аҳволни қандай таърифлаган бўлур эдингиз? Ижтимоий қарама-қаршилик сезилмоқдами ёки миллий тотувлик тўғрисида гапириш мумкинми?

— Республикада умуман олганда осойишталик, ишчан вазият ҳукмрон. Бу ҳол аҳолининг кўпчилиги республика раҳбарлари олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаётир, деб ўйлаш имконини беради.

— Диний омил таъсирини ҳис этаяпсизми? Ҳукумат вакилларининг дин арбоблари билан ҳамкорликдаги иши тўғрисида гапириш мумкинми?

— Республиканинг 82 фоиз аҳолисини мусулмонлар ташкил этади. Шунинг учун бизда, Ўзбекистонда диний омилнинг таъсири йўқ, дейиш қулгили бўлур эди. Қарийб 60 йиллик курашчан атеизм ҳукмронлигидан сўнг одамларда дилларидаги эътиқодга эркин амал қилиш имкони туғилди. Мен ҳар қайси одамда эътиқод бўлиши керак, деб ҳисоблайман, зотан эътиқодсиз яшаб бўлмайди.

Бизнинг дин арбоблари билан ҳамкорликдаги ишимизга келсак, шуни таъкидлайманки,— улар билан бизнинг орамизда яхши ўзаро муносабатлар ўрнатилди. Аҳлоқий тарбия, ота-оналар, ватан олдидаги бурч масалалари бўйича самарали мулоқот олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда ўнлаб мачитлар-черковлар, ибодат уйлари диндорларга қайтариб берилди. Дин арбоблари жамоат ва давлат ҳаётида фаол қатнашмоқдалар. Улар орасида ўнлаб ҳамма даражадаги халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари бор, улар кўпгина ҳайрия тадбирларида фаол қатнашмоқдалар. Бизнинг ўзаро муносабатларимиз виждон эркинлиги ва республика диний ташкилотлари тўғрисида тайёрланаётган қонунда юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилади.

Суҳбатни Валерий НИЁЗМАТОВ олиб борди.

(ИАН).

Тошкент.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи

ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ВА БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети котиби А. И. ИКРОМОВ маърузаси

Ўртоқлар!

Қишлоқ меҳнаткашларининг бир йил мобайнида эришган натижаларига баҳо берадиган, хато-камчиликларини очиб, навбатдаги режаларини белгилаб, деҳқонларнинг ишларига «оқ фотиҳа» берадиган катта маслаҳат кенгаши — навбатдаги қурултойимизга тўпландик.

Қурултойимиз мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий танглик кескинлашаётган бир вақтда ўтаётир.

Мамлакат бўйича рўй бераётган иқтисодий ва сиёсий танглик жараёни Ўзбекистонга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатяпти, албатта. Бундай мураккаб вазиятда жумҳуриятимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ва у бошчилигидаги партия ташкилоти ҳамда ҳукумати аҳволнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, балки унинг олдини олиб, қайта қуриш жараёнларини, иқтисодни яхшилашга қаратилган тадбирларни ўз вақтида, кечиктирмай амалга оширмоқдалар.

Жумҳурият раҳбариятининг Ўзбекистон янгиланган Иттифоқда суверен давлат сифатида ривожланишини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини халқимиз, барча миллат ва элатлар қўллаб-қувватламоқдалар. Бу 17 мартда ўтказилган референдум натижаларидан кўриниб турибди.

Биз мамнуният билан шуни таъкидлашимиз керакки, меҳнатсевар деҳқонларимиз, бутун қишлоқ аҳли кун сайин яққолроқ сезилаётган турмуш қийинчиликларига қарамай, тушкунликка берилмадилар, ўтган қишлоқ хўжалик йилида мардонавор меҳнат қилдилар ва олдинги йилларга нисбатан яхшироқ натижага эришдилар.

1990 йилда ғалла, картошка, сабзавот, полиз, мева ва узум, шунингдек чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтирдик. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажми 5 фоиз кўпайиб, 11 миллиард сўмдан ошди. Меҳнатга тўланган ҳақ 12 фоиз кўпайиб, 4,6 миллиард сўмни ташкил этди. Қишлоқ меҳнаткашларининг ўртача ойлик маоши 211 сўмга тенглашди. Соф фойда олиш режалари 115 фоиз бажарилди ва у салкам 2,5 миллиард сўмни ташкил этди. Йилни зарар билан якунлаган ташкилотлар сони 168 тадан 87 тага камайди. Колхоз ва совхозларнинг рентабеллик даражаси кўтарилди.

Шонли пахтакорларимизнинг иш якунлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Улар давлатга 5 миллион 57 минг тонна пахта топшириб, йиллик режани ортиғи билан адо этдилар. Ҳосил 50 иш кунида йиғиштириб олинди. Жумҳуриятимизда ҳеч қачон бундай суръатларда ҳосил йиғиштирилмаган эди. Пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 1987 йилдаги 23,1 центнер ўрнига 27,6 центнерга кўтарилди ёки 4,5 центнер ошди. Ҳосилнинг 56 фоизи машиналар билан териб олинди. Толанинг 85 фоизи биринчи сортларга топширилди.

Жумҳурият хирмонига Қорақалпоғистон ва барча вилоятлар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Хоразмлик азамат пахтакорлар йиллик маррани жумҳуриятимизда биринчи бўлиб бажариб, давлатга 349 минг тонна пахта топширдилар ва йиллик планни 109 фоиз бажардилар.

Бухоро вилояти пахтакорлари давлатга энг кўп — 522,5 минг тонна пахта топшириб, режани салкам 109 фоиз бажардилар. Ўтган йили жумҳуриятимизда етиштирилган ингичка толали ҳосилнинг 77 фоизини берган сурхондарёлик пахтакорлар давлатга 485 минг тонна пахта етказиб бердилар.

Андижон вилояти пахтакорлари мардонавор меҳнат қилиб, 12-беш йилликда биринчи марта пахта планини бажаришга эришдилар. Давлат хирмонида андижонликларнинг улуши 443 минг тоннани ташкил этди.

Ўтган йили пахтачиликда ҳосилдорликнинг ўсиши сезиларли давом этди. Сурхондарё вилоятида ҳар гектар ердан 32,5 центнердан, Бухорода 31,9, Хоразмда 31,5, Наманган вилоятида 31 центнердан ҳосил олинди.

133 пахта экувчи райондан 129 таси, 1394 колхоз ва совхоздан 1262 таси, 26 минг 800 бригададан 22 минг 700 таси пахта тайёрлаш режаларини уддаладилар.

Айни вақтда жумҳуриятимиздаги 45 район 545 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30-35 центнердан ҳосил олди, олти район эса 70 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35-40 центнердан пахта етиштирди. Далаларни пухта текислашга, минерал ва маҳаллий ўғитлардан турлари бўйича оптимал муддатларда тўғри фойдаланган ва бошқа агротехника тадбирлари яхши йўлга қўйилган жойларда ҳосилдорлик айниқса юқори бўлди.

Ғиждувон, Наманган, Свердлов, Шофиркон, Шўрчи, Учқўрғон районларида пахта ҳосилдорлиги 35-38 центнерни ташкил этди. Ғиждувон районидаги Энгельс номли, Свердлов районидаги Свердлов номли, Тўрақўрғон районидаги К. Маркс номли, Чортоқ районидаги Навоий номли, Шўрчи районидаги Киров номли, Ленинград районидаги Ленин номли колхозлар ҳар гектар пахта майдонидан 40-42 центнердан ҳосил олишди.

Шофиркон районидаги Иброҳим Мўминов номли колхозидан Иброҳим Худойқулов, Косон районидаги «Косон» совхозидан Рўзигул Қудратова, Ангор районидаги К. Маркс номли колхозидан Жаҳон Эргашев, Ленинград районидаги «Ленинград» колхозидан Абдураҳим Абдуллаев бошлиқ бригада аъзолари эллик центнерга етказиб ҳосил кўтардилар.

Техникадан унумли фойдаланиш йўлида қилинган ҳаракат ўзининг яхши самарасини кўрсатди. Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг донгдор механизаторлари етиштирилган пахта ҳосилининг 80 фоизидан кўпроғини машина ёрдамида териб олдилар. Ўттизга яқин районларнинг механизаторлари ялпи ҳосилнинг 90-94 фоизини бункерлардан тўкишга эришиб, юксак натижаларни қўлга киритдилар.

Хўжайли районидаги Калинин номли колхозидан Худойберган Омонтурдиев, Амударё районидаги «Оқолтин» совхозидан Холиқбой Отажонов, Навоий районидаги «Октябрь» колхозидан Шавкат Раҳимов, Ромитан районидаги Ленин номли колхозидан Ражаб Ҳамроев, Хатирчи районидаги Партия XXII съезди номли колхозидан Насиба Тўрақулова, Ўзбекистон районидаги «Қолгандарё» совхозидан Нўъмон Солиев, Элликқалъа районидаги Қирққизобод колхозидан Озод Бобожонов, Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозидан Камолиддин Юнусов, Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон» совхозидан Убайдулла Бекмирзаев, Шеробод районидаги Муродов номли совхозидан Жўра Абдувоҳидовлар каби моҳир механизаторларимиз ўз машиналари билан 250-300 тоннадан пахта териб, юксак намуна кўрсатдилар.

Ўртоқлар! Менга берилган фурсатдан фойдаланиб, бутун қишлоқ меҳнат аҳлини, ажойиб меҳнатсевар пахтакорларимизни жумҳурият Президенти, партия Марказий Комитети ва ҳукумати номидан эришилган ютуқлар билан қизғин табриклашга ва шонли меҳнатингиз учун сизларга катта раҳмат айтишга рухсат этгайсизлар.

Пахтакорларимиз муваффақиятларининг боиси обҳавонинг қулай келиши билан бир қаторда деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати, хўжаликларда ишни ташкил этиш юқори даражада бўлиши натижасидир, десак хато бўлмайди.

Бундан ташқари 1990 йилда экинлар орасидаги мутаносибликни нормаллаштириш амалда бажарса бўладиган реал планлар белгилаш, пахта яккаҳокимлигини тугатиш бўйича сўнгги йилларда бошланган жараён янада жадалроқ давом этди.

(Давоми иккинчи бетда).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

СОВЕТ ҚЎШИНЛАРИ МУДДАТИДАН АВВАЛ ЧИҚАРИЛАДИ

● СОВЕТ қўшинларини Чехословакия жумҳуриятидан тўлиқ олиб чиқиб кетиш 1991 йил 20 майда тугалланади, деб хабар берди қўшинларнинг марказий гуруҳи бош қўмондони генерал-полковник Э. А. Воробьев ўзининг телеэнгликлар программаси бўйича сўзлаган нутқида. Аввал бу муддат 1991 йил 30 июнь, деб белгиланган эди. Совет ҳарбий қўшинларини муддатидан авval олиб чиқиб кетиш учун совет томонидан ихтиёрийлик билдирилганлиги, шунингдек, 1990 йил 26 февралида имзоланган ҳукуматлараро битимни аниқ бажараётганлиги қулай вазият яратди.

БЕНИНДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

● БЕНИН Жумҳуриятида яқинда президентлик сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда собиқ бош-вазир Нисефор Согло ғалаба қозонди. У шу йил 1 апрель куни юксак лавозим курсисига ўтиради.

57 яшар Н. Согло Ломе шаҳрида таваллуд топган. Франсияда таҳсил олиб, Париж миллий бошқариш мактабини тугатган. Сўнгги 20 йил ичида у иқтисод ва молия вазирликларида раҳбар лавозимларда ишлади. Бир йил муқаддам Бенин ижтимоий кучлари миллий конференцияси уни бош-вазир этиб сайлаган эди. Президентлик сайловларида Н. Согло учун 70 фоиз овоз берилди.

МАЛИДА ДАВЛАТ ТУНТАРИШИ

● МАЛИДА ҳукуматга қарши чиқишлар бир неча кун давом этди. Душанба куни эрталаб эса умуммиллий ништалаш бошланди. Оппозиция-чи кучлар президентнинг ва ҳукуматнинг истефога чиқишини талаб қилдилар. Ўз саройида ҳимояланиб олган мамлакат президенти Мусса Траоре ўз лавозимидан кетишдан бош тортди. Шундан сўнг оппозиция гуруҳига кирувчи 7 сиёсий ташкилотнинг раҳбарлари ижтимоий сақланиш кўмитасини тузишни таклиф қилдилар.

Вазиятдан келиб чиққан ҳарбийлар кўп қон тўкилишининг олдини олиш ва вайронгарчиликларга йўл қўймаслик учун майдонга чиқди. Душанба куни кечқурун эса Бамако тайёрагоҳида президент Мусса Траоре қибсга олинди. У мамлакатни ташлаб кетиш учун ҳозирлик кўраётган эди.

ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ҲИНДИСТОНДА сўнгги аҳолини рўйхатга олишга тааллуқли маълумотлар эълон қилинди. Ҳиндистон аҳолиси ҳозир деярли 844 миллион кишини ташкил этади. Сўнгги ўн йил мобайнида мамлакат аҳолиси 161 миллион кишига кўпайди. Шу тариқа аҳоли сони жиҳатидан Ҳиндистон жаҳонда Хитойдан сўнг иккинчи ўринга чиқди.

● ДУШАНБА куни Сомали пойтахтида ғалати воқеа бўлиб ўтди. Кисмайо тайёрагоҳига учиб келган «Боинг-707» самолёти дафъатан Сомали ҳарбий ҳаво кучлари қирувчисининг ҳужумига учради. Унда Италия ташқи ишлар вазирлиги делегацияси Малида кураш олиб бораётган гуруҳларни яраштириш учун бу мамлакатга келган эди.

ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ВА БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА

ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Жумладан, сўнгги икки йил ичида Президентимиз Ислом Абдуғаниевичнинг катта ҳаракати натижасида пахта плани деярли 1 миллион тоннага камайди, унинг экин майдони 280 минг гектарга қисқарди ва жуда кўп жумбоқ бўлиб турган масалалар ечилди. Пахтачилик ва бошқа тармоқларнинг интенсив ривожланиши бошланди.

Ўтган хўжалик йилида қишлоқ меҳнаткашларининг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бўлган моддий манфаатдорлиги ортди. Ижара ва пудрат усулини янада кенг жорий қилиш ишлари давом эттирилди. Масалан, 800 минг гектардан ортиқ пахта майдони мана шу усулда ишлайдиган деҳқонларга бириктиб берилди. Деҳқонлар ўзларига бириктилган ерларда юқоридан топшириқ ва буйруқлар кутиб ўтирмай, ҳамма ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаришдан манфаатдор бўлиб қолдилар.

Қишлоқ хўжалигида энг муҳим масалалардан бири — бу етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишдир. Мавсумнинг биринчи кунидаёқ Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг йиғим-терим иштирокчиларини моддий рағбатлантириш бўйича махсус қарори кучга кирди. Қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 25 тийин, машинада терилган ҳар бир тонна пахта учун 10 сўмдан тўлана бошланди.

Бу тадбир ҳосилни қисқа муддатларда четдан ёрдамчиларсиз йиғиштириб олиш имконини берди.

Пахта қўлда терилиши ўрнига машиналарда терилганда 25 марта арзон тушишини кўрган ижарачи деҳқонлар хўжалик маъмуриятидан пахталарини машина билан териб беришни қаттиқ туриб талаб қилдилар.

Ўртоқлар! Ҳисоб-китоблар пахтачилик соҳаси жумҳуриятимизда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб қолишини тақозо қилмоқда.

Пахта бошқа экинларга нисбатан камроқ сув талаб қилади. Қишлоқ аҳолисини иш билан тўлароқ таъмин этиш, ҳар гектар ердан кўпроқ миқдорда даромад олиш, анчагина миқдорда кунжара ва шелуха олиш имкониятини беради. Пахтадан чиққан маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш ортиқча ташвиш келтирмайди.

Пахтанинг бу афзалликларини ҳисобга олмай бўлмайди. Тўғри, пахта ишлаб чиқариш ҳажми бозор иқтисодиёти шароитида, нарх-навога қараб ўзгариб туриши мумкин. Лекин у яқин келажакда анчагина катта майдонни эгаллайдиган экин бўлиб қолаверади. Ва биз жумҳуриятимизнинг иқтисодиётини ҳал қилувчи бу тармоқдаги мавжуд катта имкониятларни ишга солмоғимиз керак.

Аввало, беда майдонларини кенгайтириш асосида алмашлаб экишни қатъий жорий қилиш, селекция ва уруғчиликни кескин яхшилаш бўйича илм-фан тавсияларини оғишмай амалга ошириш, тола чиқиши 36-39 фоизга эга бўлган навларни яратиш билан 4-5 йилда кам деганда бу навлар билан ярим пахта майдонини таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш ишларини механизациялаш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш ва бошқа ҳаммангизга маълум бўлган резервларни ишга солсак, биз сўзсиз жумҳурият бўйича ҳосилдорликни яна 4-5 центнерга кўтаришимиз мумкин. Бу қўшимча 600-700 минг тонна пахта ёки 200-250 минг тонна тола деган сўз. Фақат колхоз, совхоз, район ва вилоят раҳбарларидан бу ишда жонбозлик кўрсатиш талаб қилинади, холос.

Агротехника тадбирлари ичида кузги шудгорнинг алоҳида ўрни бор. Аммо хўжаликларда ерни ҳайдаш қоидаларига эътибор берилмаяпти: кўпинча қулай муддатлар ўтказиб юборилади, унинг чуқурлиги тўғри бўлмайди. Вегитация даврида тракторларнинг кўп марта ўтиши оқибатида ҳайдов қатламининг ўта зичланиши илдизнинг ривожланишини тўсади. Бундай жойларда қўш ярусли плуглар билан 30-40 сантиметр ҳайдаб, пастки 15-20 сантиметр қатламни чуқурлатгичлар билан юмшатиш 2-3 центнердан 7-8 центнергача ҳосил қўшиши тасдиқланган.

Чигитни белгиланган миқдорда аниқ қилиб экиш, пахтани пушта ва жўякларда ўстириш, ғўзани химиявий усулда чилпиш, гербицидлардан, ўсишнинг меъёрида бўлишини таъминлаш моддаларидан кам фойдаланиляпти.

Ўтган йили Қашқадарё вилояти ингичка толали пахта топшириш планини, 4 район умумий пахта планини бажармади. Жумҳурият бўйича 528 минг гектар майдонда 15-20 центнер атрофида паст ҳосил олинди. Буларни ўрта хўжаликлар қаторига кўтариш ҳам катта резерв.

Хўжасизлик, деҳқончиликда саводсизлик ва бошқа иллатлардан келиб чиқувчи бундай нуқсонлардан қутилишнинг ўзи ҳисобига пахтакор хўжаликлар ҳосилдорликни сезиларли даражада оширган бўлардилар.

Бунинг учун деҳқонлар малакасини ошириш, уларни ўз касбининг усталарига айлантириш, улар ишлашлари учун яхши шароит яратиш, матбуотда ташвиқот ишларини кескин кучайтириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, пахтакор хўжаликлар соҳани илмий асосда жадал ривожлантирсалар, жумҳурият бўйича ўрта ҳисобда ҳосилдорликни гектар бошига 32-33 центнерга чиқаришлари ва камайтирилган пахта майдонида ўтган йили эришилган ялпи ҳосилни олиш имкониятларига эга эканликлари ҳисоб-китоблар (концепция) билан тасдиқланган.

Ҳаммангизга маълумки, ғалла етиштиришни кўпайтириш масаласи ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ниҳоятда катта аҳамият касб этмоқда. Жумҳуриятимизда катта имкониятлар ишга солинмаётганлиги ҳаммангизга маълум. Ўтган йили 700 минг гектар ерда бошоқли дон экинлари, 86 минг гектар ерда дон учун маккажўхори ва 132 минг гектар ерда шоли экилиб, улардан 1 миллион 914 минг тонна ҳосил кўтарилди. Ўртача ҳосилдорлик атиги 20 центнерни ташкил этди. Суғориладиган ерларга экилган 191 минг гектар арпа ва буғдойнинг ҳосилдорлиги 25 центнерни ташкил этди, холос. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг: шу қадар паст ҳосилдорлик — ўтакетган хўжасизлик, ернинг қадр-қимматини билмаслик-ку!

Ахир, бизда 50-60 центнердан ҳосил олаётган ғаллакор хўжаликлар оз эмас. Ҳамма гап жойлардаги раҳбарларимизнинг қунт билан, халқ олдидаги жавобгарликни сезган ҳолда иш юритишларига боғлиқ.

Дон етиштириш технологиясини тўғри ташкил қилиш, ерни меъёрига келтириб тайёрлаш, экин навини тўғри танлаш, озуқа бериш, суғориш ва ҳоказо агротехника ишларини тўғри бажариш — бу фақат хўжалик мутахассисларининг савиясига боғлиқ. Юқорида айтилган тадбирлар тўғри амалга оширилса, жумҳуриятда қисқа муддатда ғалла, маккажўхори дони етиштиришни ҳосилдорликни ошириш ҳисобига икки марта кўпайтириш мумкин.

Бу йил лалми ерларда намгарчилик яхши бўляпти. Ҳосилдорликни оширишни истасангиз, ҳозир сифатли қилиб экинларни озиқлантириш керак. Лекин лалмикор ғалла экинларини Самарқанд вилоятида озиқлантириш ҳанузгача тамомлангани йўқ.

Макка ва жўхорига бўлган муносабатларни мутлақо кечириб бўлмайди: мана бу нарсага эътибор берсангиз. Ўтган йили 169 минг гектар ерга дон учун маккажўхори экилади деб режалаштирдик. Аммо донга ўриб олинган маккамиз 86 гектарни ташкил этди. Айтингчи бу режани бажарилмай қолишига нима сабаб бўлди? Нима етмади? Сувми? Уруғми? Буларнинг ҳаммаси бор эди. Яна такрор қилиб шуни айтаманки — гап жойлардаги раҳбар ходимларимиз маккажўхори донининг чорва маҳсулотини кўпайтиришдаги муҳим ролини тушуниб етмаганидадир!

Бунинг устига режага нисбатан ярим майдонда экилган маккадан атиги 40 центнер атрофида ҳосил олинди, холос. Ахир бизда ўнлаб хўжаликлар, шу жумладан Ленин районидаги «Правда Востока», «Социализм», Бобур номидаги колхозлар, Чиноздаги Навоий номли, Янгиариқдаги «Коммунизм» колхозлари гектаридан 65-70 центнердан маккажўхори дони олмоқдалар. Ҳосилдорлик айниқса, ижарага берилган далаларда юқори бўляпти. Афсуски, биз бор имкониятлардан оқилона фойдаланмаяпмиз. Экинларни парваришлашда агротехника тадбирларини тўғри олиб бормаяпмиз.

Чорва маҳсулотларини қуруқ гап билан, сводка билан кўпайтириб бўлмаслигини сизларга айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чорвага макка дони билан соя керак. 4 миллион гектардан ошиқ сувли еримиз бор. Наҳотки чорва талаби учун 200 минг гектар ёки 5 фоиз ерни ажратиб керакли макка дони ва сояни етиштира олмасак?!

Халқимизнинг энг севимли маҳсулотларидан бири — бу гуруч. Лекин бу соҳадаги бор имкониятлардан тўла фойдалана олмаяпмиз. Тошкент вилояти хўжаликларида гектар ҳисобига 52,7 центнер ҳосил олинаётган ҳолда, бу кўрсаткич Хоразм вилоятида 36 центнер, Қорақалпоғистон жумҳуриятида 34 центнер бўлди. Натижада жумҳуриятимиз бўйича шоли ҳосилдорлиги 35 центнер атрофида қолди. Айни бир пайтда Ғалаба районидаги Калинин номли шоличилик хўжалиги гектаридан 68 центнердан ҳосил кўтарди. Демак, бизнинг шароитимизда гектаридан 45-50 центнер шоли кўтариш жуда қийин масала эмас. Фақат агротехника талабларига риоя қилишдек муҳим ишни колхоз ва совхоз раҳбарлари эсдан чиқармасликлари керак.

Кейинги йилларда ем-хашак экинларининг майдони қарийб бир миллион гектарга, шу жумладан беда экин майдони 728 минг гектарга етди. Агарда бу экинлардан оқилона фойдаланилса, барча турдаги чорва молларини ем-хашак билан тўла таъминлаш имкониятига эга бўлинарди. Ҳамма гап шундаки, кўпчилик колхоз ва совхозларда ем-хашак экинларининг ҳосили ниҳоят паст даражада. Масалан, илғор хўжаликларда ҳар гектар ердан 180-200 центнер пичан, 1500-1600 центнер қизилча (лавлаги), 500-600 центнер силос олинаётган бир пайтда Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида 70-110 центнер беда пичани, 150-300 центнер лавлаги, 120-180 центнер силос олинган. Жумҳурият бўйича ҳам ҳосилдорлик ўта паст. Бу хунук аҳволнинг асосий сабаби — соҳада ўта хўжасизликка йўл қўйилаётганлигида, колхоз ва совхоз раҳбар ва мутахассисларининг ташаббус кўрсатмаётганлигида десак хато бўлмайди. Моддий рағбатлантириш ҳам яхши йўлга қўйилган эмас. Ҳозир ем-хашак етиштирувчиларга, чорвадорларга нисбатан 1 одам-соатига 30-40 фоиз кам ҳақ тўланаяпти.

Аҳволни тубдан яхшилаш керак. Пудрат асосида ихтисослаштирилган бригадалар тузиш, керак бўлса озуқа экинларининг хўжалик ичидаги баҳосини кўтариш талаб этилади.

Дончиликни ривожлантиришда дон хўжалиги, шоличилик, чорвачилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий текшириш институтларининг раҳбарлари ва олимларининг сусткашлик билан иш олиб боришларини бугун айтмай ўтиб бўлмайди. Уларнинг ишлаб чиқаришга таъсири етарли эмас. Яхши навлар яратилмаяпти, агротехникада янгиликлар йўқ даражада. Илмий тематикалар ишлаб чиқаришнинг бош масалаларига жавоб бермайдиган майда-чуйдалар билан тўлиб тошган. Улар ўзларининг ишларини давр тақозосига бўйсундиришлари керак.

Ўртоқлар! Эътиборингизни мева ва узум маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги аҳволига қаратмоқчиман. Маълумки, жумҳуриятимизнинг тупроқ ва иқлим шароити боғдорчилик ва узумчилик учун ғоят қулайдир. Лекин, соҳанинг бугунги аҳволи мутлақо талабга жавоб бермайди. Боғ ва токзорлар жами қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг атиги 7 фоизини ташкил этади, холос. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига ўта паст бўлиб турибди. Ваҳолонки, жумҳуриятимизда бир қатор хўжаликлар гектар бошига 120-140 центнер мева ва 160-200 центнердан узум етиштирмоқдалар. Булар жумласига Тошкент вилоятидаги мевачиликка ихтисослашган «Огонёк», Жиззахдаги «Гулистон», Самарқанддаги Козимов номли совхозлар киради. Ленин боғ ва токзорларга эга бўлган барча хўжаликларнинг 80 фоизи эса ҳосилни 3-4 баробар кам етиштирмоқда. Об-ҳавоси энг қулай келган ўтган йили ҳам жумҳуриятда мева харид қилиш режаси бажарилмади. Сирдарё, Тошкент, Бухоро, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари халқимиз олдида 24 минг тонна мева қарздор бўлиб қолишди.

Жумҳуриятимиз миқёсида йил мобайнида бир кишининг мева ва узумни истеъмол қилиш даражаси 80 килограмм бўлиши ўрнига 42 килограммни ташкил қилмоқда. Физиологик нормага етишимиз учун бу маҳсулотларни икки марта кўпайтиришимиз керак.

Хўш, бу даражага эришишимиз мумкинми? Албатта, мумкин. Яқинда биз «Огонёк» совхозида жумҳурият бўйича махсус семинар ўтказиб, бу хўжаликнинг ўтган йили эришган ютуқларини эшитдик. Меванинг ҳосили бу хўжаликда гектарига 160 центнерни ташкил этган. Агар биз жумҳуриятимизда ҳосил бериб турган 138 минг гектар боғнинг ҳар бир гектаридан 16 тонна эмас, боринг 10 тонна ҳосил олишга эришган бўлганимизда эди, мева маҳсулоти 2,5 баробар кўпайган бўларди.

Афсуски, бу мақсадга бир йилда эриша олмаймиз. Чунки, ҳозирги мевазорларнинг 20 фоизи сийрак, кўчати йўқ. Бунинг устига кўпчилик хўжаликларда боғлар йиллар давомида буталмаган, уларнинг қатор ораларига ишлов берилмаган, ўғит солинмаган. Биз боғ ва токзорларга бўлган муносабатни кескин ўзгартиришимиз керак. Гектарига 20-30 центнер ҳосил бераётган минглаб гектар боғларни зудлик билан қайта кўришимиз керак. Бунинг учун аввало шу йилнинг ўзида боғ ва токзорларни шартнома тузиб, кам деганда 15-20 йилга ижарага бериб, ижарачига ҳамма шарт-шароитларни туғдириб беришимиз лозим. Боғ ва токзорларнинг эгаси бўлсин. Бу соҳани тангликдан олиб чиқадиган энг муҳим омиллардан бири десак муболаға бўлмайди.

Ўтган йили сабзавоткорлар ва полизчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли бутун ёз ва куз ойларида деҳқон бозорларида сабзавот, полиз ва картошка маҳсулотлари тўкин ва нисбатан арзон бўлди. Белгиланган режалар ҳамма жойда бир текис бажарилганида аҳвол бундан ҳам яхши бўлур эди. Афсуски, бир қатор хўжаликларнинг айби билан режага нисбатан сабзавот 297 минг тонна, картошка 157 минг тонна ва полиз маҳсулоти 85 минг тонна кам бажарилди. Сабзавоткорларимиз ўтган йилнинг якунларини чуқур таҳлил қилиш асосида иш тутиб ялпи ҳосилни кўпайтиришнинг ҳамма чораларини кўришлари зарур.

Ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш, уларни топшириш, сақлаш ва қайта ишлашда юз бераётган камчиликлар оқибатида етиштирилган мева ва сабзавот-полизнинг 25-30 фоизи нобуд бўлиб кетмоқда.

Қайта ишлаш цехлари ва совутиш омборларининг камлиги, айрим жойларда мутлақо йўқлиги оқибатида биз жуда катта талофатга йўл қўйяпмиз.

Буни бартараф этиш учун хўжаликларда совутиш омборларини ривожлантиришга эътиборни қаратиш керак. Ҳар бир қишлоқда аҳолининг сонига ва етиштириладиган маҳсулотнинг ҳажмига қараб, 5-10 тонналик совутиш омборларини қуришимиз айни муддао бўлур эди. Бундан ташқари ота-боболаримиздан қолган сабзавот-мева сақлаш услубларини тиклашимиз керак. Ўраларда сабзавотлар сақлаш, қовун-тарвузларни қумларда асраш, боғдорчилик меваларини ҳосилдан-ҳосилгача сақлаш усуллари шулар жумласидандир.

Ишонамизки, янгидан тузилган мева-сабзавот концерни (эски, «Узплодовощпром») раҳбарлари ва мутахассислари соҳалар олдида турган долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этишни таъминлайдилар.

Ўртоқлар! Деҳқончиликда уруғчиликнинг моҳиятини тушунмайдиган раҳбар бўлмаса керак. Бу соҳада жумҳурият ҳукумати томонидан бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Улар сизларга маълум. Лекин, бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари уруғлик фондини жамғаришга, уни ўз вақтида тозалаб, талаб даражасига етказиб қўйишга эътибор бермаяпти. Натижада ўтган йили экилган бошоқли дон экинлари уруғининг атиги 24, шоли уруғининг 10, макканинг 67, беданинг 55 фоизи биринчи класс талабига жавоб берган. Қани айтингчи, шундай уруғ билан юқори ҳосил олиш мумкинми?

Ҳадеб навларни алмаштираверииш, битта хўжаликда 3-4 навни экиш, чигитни у вилоятдан бу вилоятга ташишга ҳалигача чек қўйилгани йўқ.

Биз мамлакат ичкарисига ва чет элларга пахта эмас, унинг толасини сотамиз. Шундай бўлсада, селекция илмий текшириш институтларида тола ҳисобига эмас, нуқул чигит ҳисобига ҳосил берадиган навларни яратишга ҳамон барча кучларини қаратмоқдалар. Энди хўжаликларга 40 фоиз атрофида тола берадиган навлар керак.

Буғдойнинг бешдан бир қисми, арпанинг учдан бир қисмини жумҳуриятимизда районлаштирилмаган навлар ташкил этади. Буғдойнинг лалмикор ерларга мўлжалланган навларини сувли ерларда ҳам экиб келинмоқда.

Сабзавот навларининг 51, помидорнинг 25 фоизи Ўзбекистондан ташқари регионлардан олиб келинган.

Картошка уруғчилиги айниқса, танг аҳволга тушиб қолган, 90 фоизи четдан келтирилмоқда. Аҳолига сабзавот уруғи ва мева кўчати сотиш ўта қониқарсиз аҳволда. «Узсортсемовощ» бирлашмаси ўтган йил хўжаликларга 40 миллион сўмга уруғ сотган бўлса, томорқачиларга фақат 2 миллион сўмлик уруғ сотган холос. Аҳолиси 20 миллиондан ошган жумҳуриятимизда фақат 55 та уруғ сотадиган дўкон бор, мева кўчати сотадигани йўқ ҳисобида. Деҳқончиликдаги бундай камчиликларни, паст савияда иш юритишни қачон тугатамиз? Биз яқинда уруғчилик масалаларига бағишланган жумҳурият кенгаши ўтказдик. Камчиликлар очиқ-ойдин батафсил танқид қилинди, тадбирлар белгиланди.

Янгидан ташкил этилган Қишлоқ хўжалик вазирлиги, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва унинг институтлари айниқса тассаруфида уруғчилик масалалари бўлган идора ва мутахассислар зарур тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Ўртоқлар! Экинларнинг ҳосилдорлиги ва маҳсулотнинг сифати тупроқ унумдорлигига боғлиқ эканлигини биламиз. «Ер бойлиги — эл бойлиги» деймиз. Ерларимизнинг унумдорлиги эса пастлашиб кетаётир. Ерга йил сайин тобора кўп минерал ўғит солинишига қарамасдан кейинги 25-30 йил мобайнида тупроқдаги чиринди (гумус) нинг миқдори 0,25 фоизга камайиб қолган.

Ҳар йили етарли миқдорда ўғит солинади, бир гектар ер майдонига ўтган йили ўртача 293 килограмм соф вазнда ўғит тўғри келди. Аммо минерал ўғитларни сақлашда, ташиш ва уни ерга беришда қўпол камчиликлар содир бўлганлигидан хўжаликларга берилаётган ўғитларнинг 15 фоизигача исроф бўлмоқда.

Пахтачиликда ўғитларнинг самарадорлиги ўтган йили 76 фоизни, шоличиликда 65-70, дон учун экилган маккажўхоричиликда 55-60, сабзавотчиликда 45-50 фоизни ташкил этди. Ўғитларнинг самарадорлиги пастлигининг сабаби нимада? Биринчидан, хўжаликларда ўғит сақлайдиган омборлар етарли эмас, оқибатда ҳар йили 300 минг тоннага яқин ўғит исроф бўлмоқда. Иккинчидан, ўғитларни ишлатишда илм-фан тавсияларига амал қилинмайди. Деярли барча хўжаликларда агрохимия картограммалари ва тупроқ хариталари мавжуд. Бироқ, 90 фоизга яқин хўжаликларда кимёлаштириш пунктларининг бўлмаганлигидан ўғит бериш миқдори, муддатлари ва нисбатлари қўпол бузилмоқда. 1990 йили 45 фоиз майдон фосфор солинмай, 47 фоиз майдон калий, 45 фоизига гўнг солинмай шудгор қилинди. Шу ерлардан юқори ҳосил кўтариш мумкинми?

Учинчидан, маҳаллий ўғитлар ресурсидан тўла фойдаланилмаяпти. Гўнг алмаштириш картограммасига биноан 35-40 тонна маҳаллий ўғит бериш ўрнига бунинг ярмиси ҳам берилмаяпти. Бу вазифани ҳал қилиш учун биз гўнгни чиритмасдан туриб, далага чиқаришни бутунлай ман қилишимиз керак. Гўнгни компост қилиб чиритиб бериш хўжаликка ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан фойда эканлиги ҳақида кўп марта гапирганмиз. Аммо кўп хўжаликларда бу муҳим масалага амал қилинмаяпти. Келинг ўртоқлар, деҳқончиликнинг маданияти ва самарадорлигини оширишнинг энг муҳим босқичи бўлган органик ва минерал ўғитлардан тўғри фойдаланишни йўлга қўяйлик!

Ўтган йилги ҳосилга сув хўжалиги ходимлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар барча ирригация тармоқларини суғориш мавсумига шай қилиб қўйдилар, далаларга сувни вақтида етказиб турдилар. Аммо, шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, кўпчилик хўжалик раҳбарлари сувдан фойдаланишда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар. Сувдан тўғри фойдаланилмаганликдан минглаб кубометр сув исроф бўлмоқда. Сув хўжалик ходимлари сувдан фойдаланишни ўз вақтида назорат қилмайдилар.

Охирги вақтларда моҳир сувчи-миробларнинг обрў-эътиборини қадрламай қўйдик. Уларнинг маоши хизматларига лойиқ эмас. Қорақалпоғистон, Хоразм воҳасида ва бошқа жойларда ариқларни тўғри нишаб билан олинса, сув оқим кучи баландликка чиқадиган ерларда ҳам насослар ўрнатилаётир. Бу ортиқча ёнилғи сарфлашга, сувни исроф қилишга олиб келмоқда.

Томчилаб суғориш, суғоришни механизациялаш ҳақида сув хўжалиги илмий-текшириш институтлари, шу жумладан САНИИРИнинг раҳбарлари кўп йиллар давомида илмий маърузалар қиладилар-у, лекин суғоришда янгиликлар деярли йўқ. Ўйлаймизки, Сув хўжалиги вазирлиги сувдан фойдаланишдаги қатор камчиликларни чуқур ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш чораларини бу йилги мавсумда амалга оширади.

Чорвачилик жумҳуриятимиз озиқ-овқат комплексининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолди. Ўтган беш йилликда жамоат секторида гўшт 17 фоиз, сут 25 ва тухум 43 фоиз кўпайди. Маҳсулот ишлаб чиқариш асосан бу соҳани интенсивлаш ҳисобига ўсмоқда. Кейинги беш йилликда жумҳурият хўжаликларида ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут ўрта ҳисобда 581 килограмм, ҳар бир товуқдан олинадиган тухум 34 дона, қорамолларнинг вазни 37 килограмм кўпайди.

Бироқ чорвачиликда қилинаётган ишлар ҳали аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондиролмайди. 1990 йилда аҳоли жон бошига 24 килограмм гўшт, 147 килограмм сут ва 121 дона тухум ишлаб чиқарилган, бу мамлакатдаги ўртача даражадан анча паст.

Чорвачиликни ривожлантиришдаги асосий камчилик — бу тармоқнинг озуқа билан яхши таъминланмаганлигидир. Ҳалигача кўп хўжаликлар кам ҳосилли ерларни озуқа экишга ажратадилар. Уларга етарли даражада ўғит берилмайди. Фермалардаги иш бўшашиб кетган, наслчилик, зооветеринария хизмати савияси паст.

Бир неча йил давомида гўштга топшириладиган молларни колхоз ва совхозлардан олиб, чорвачилик комплексларига, хўжаликлараро корхоналарга топшириш вазифаси қўйилмоқда. Лекин кўпчилик вилоят ва районларда бу масалага тушуниб етмаяптилар.

Ўтган йили колхоз ва совхозларнинг ўзлари молларни гўштга топшириши натижасида 8 минг тонна гўшт кам бўлди.

Жумҳуриятда ташкил этилган 46 та гўшт етиштиришга ихтисослашган совхоз ўз олдига қўйилган вазифани бажаролмади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун молларнинг наслини яхшилаш, зооветеринария ишларини кучайтириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, соҳада меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини, жумладан «деҳқон хўжаликлари» (фермерлар) сонини кўпайтириш бўйича ишларни яхшилаш талаб этилади.

Қоракўлчилик хўжаликлари терининг баҳоси ошиши муносабати билан сердаромад соҳага айланиб қолишлари учун қулай шароит туғилмоқда. Жумҳурият «Қоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси, хўжалик мутахассислари ва раҳбарлари қоракўлчиликни ривожлантириш учун чўл ва яйловларда ўсадиган ўтлар ҳосилдорлигини кўпайтириш, соҳада наслчилик ишлари, ветеринария хизматини яхшилаш бўйича белгиланган тадбирларни зудлик билан ҳал этиш, фан ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланиш лозим.

Ўтган беш йилликда «Узптицепром» парранда гўштини 2,1 марта, тухумни 1,7 марта кўпайтирди. Аммо саноат паррандачилигини ривожлантириш имкониятлари тўла ишга солинмаяпти. Натижада аҳолининг парранда маҳсулотларига бўлган талаби қондирилмаяпти.

Ҳозир Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети «Узптицепром» таркибида парранда гўшти ва тухум етиштиришни кўпайтириш бўйича махсус қарор тайёрлаяпти. Бу қарор бўйича 1993 йилгача парранда гўшти 2 марта кўпайтирилиши кўзда тутилмоқда.

Бу масалани ечишда иқтисод бўйича комитет, Госснаб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Дон маҳсулотлари вазирлиги фаол иштирок қилмоқлари лозим.

Парранда фабрикаларини технологик мосламалар, қурилиш материаллари ва сифатли озуқа билан етарли миқдорда таъминлаш зарур. Соҳада наслчилик ва ветеринария ишларини тубдан яхшилаш, чет эл маблағларини ва технологиясини жалб этиш керак.

Жумҳуриятимиз пиллачилари ўтган йили 33 минг тонна ҳосил етиштириб бердилар.

Жамоа ва давлат хўжаликларининг пиллачиликдан олган даромадлари 306 миллион сўмга етди. Бу 1989 йилдагидан 50 миллион сўм кўпдир. Бухоро, Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятлари планларини анча ошириб бажардилар.

Пиллага талаб кўпайиб бормоқда. Шуни ҳисобга олиб, бу йил пилла тайёрлаш плани жумҳурият бўйича 10 фоизга, харид нархи эса ўртача 2,7 марта оширилди. Ўз-ўзидан маълумки, бу нарса дала меҳнаткашларини кўпроқ пилла етиштиришга чорлайди. Шу билан бирга пилланинг сифатига бўлган талаб саноатда ҳам, жаҳон бозорида ҳам жуда юқоридир.

Масалан, 1990 йилда жаҳон бозорида бизнинг қуруқ пилламизнинг 1 килограмми ўртача 7-8 доллардан баҳоланган бўлса, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган Хитой пилласи эса 20 доллардан зиёд баҳоланди.

Пилла тайёрлаш режасини бажариш билан бирга, унинг сифатига ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Ҳар бир хўжаликнинг ҳозирги вазифаси пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлашдан иборат. Таъминот муассасалари эса қисқа фурсатда ипак қурти боқувчи хўжаликларни керакли асбоб-ускуналар ва ашёлар билан таъминлашлари зарур.

Ўртоқлар! Қишлоқ хўжалигида механизация имкониятидан тўлароқ фойдаланишга эътиборни кучайтиришимиз зарур.

Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида мавжуд техниканинг учтасидан бири, Жиззах ва Бухоро вилоятларида ҳар бештасидан бири сақлаш қоидаларига риоя қилинмаслигидан ишга яроқсиз бўляпти. Техникани сақлаш қоидалари қўпол равишда бузилиши оқибатида хўжаликлар кўплаб зарар кўрмоқдалар.

Қишлоқ хўжалигида ижара ва фермерлик иш усулларини жорий этиш деҳқонларнинг шахсий томорқаларида ишлатиш учун кичик техника бўлишини тақозо этмоқда. Аммо бу соҳада машинасозлик заводлари сезиларли иш олиб бормаётирлар.

Чорвачиликни механизациялаштириш борасида қилинадиган ишлар ҳам ниҳоятда кўп. Ҳозир жумҳурият бўйича қорамол фермаларида ишларни комплекс механизациялаштириш 74 фоизни, чўчқахоналарда 78 фоизни, паррандачилик фермаларида эса 81 фоизни ташкил этади.

Аксарият хўжаликларда сигирларни соғиш, молларга ем беришдек қийин ишлар 60-70 фоиз атрофида механизациялаштирилган.

Техникани авайлаб асрашни, ундан унумли фойдаланишни таъмин қилмай туриб, биз қишлоқ меҳнаткашларини оғир қўл меҳнатидан озод қилолмаймиз, маҳсулот таннархини арзонлаштиролмаймиз. Ҳар бир трактор ё машина, унинг запас қисмлари тобора қимматлашиб кетаяпти. Бундай шароитда техникадан яхши фойдаланмасангиз оқибат нимага олиб келишини тушуниб олиш пайти келди.

Ўзингизга маълум, ҳар бир ишнинг асосий мезони — бу кадрлардир, уларнинг ўқуви, тажрибаси, амалий ва назарий билими, қолаверса, уларнинг савияси, ишбилармонлигидадир.

Айниқса ҳозир келажакни чуқур ўйлаб қўйишимиз зарур. XXI асрда ишлайдиган мутахассисларни ҳозирдан бошлаб тайёрлаш керак. Бу мутахассислар, замонавий тилда айтганимизда менеджерлар нафақат ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти шароитининг билимдонлари бўлибгина қолмай, балки замонавий информация технологиясидан ўз фаолиятида усталик билан фойдаланадиган, уддабурон кадр бўлиб етишиши керак. Бу борада бугунги қилаётган ишимизда қайта қуриш бошлангани йўқ десак бўлади. Бизнинг фикримизча, жумҳурият агросаноатига кадрлар тайёрлашни қайта кўриб чиқишимиз лозим. Аввало ўқув юртларининг программаларини қайта кўриб, эътиборни дунёнинг янги илғор технологиясига, бозор иқтисодиётининг сирларини мукаммал ўзлаштиришга қаратиш керак. Бошқариш ва ҳуқуқ масалаларини ўқитишни кучайтиришимиз, тижорат, ички ва ташқи бозор муаммоларини ўргатиш билан бир қаторда бўлажак мутахассислар компьютерларни ишлата биладиган, ўзбек, рус тилини яхши билиш билан бир қаторда инглиз тилида гапира оладиган замонавий кадрлар тайёрлашни бош вазифага айлантиришимиз зарур.

Бу масалани Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тезда ўрганиб, тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиши лозим.

Жумҳурият деҳқончилик саноат комплекси тармоқларини бошқариш тартибининг кейинги йилларда қайта-қайта ўзгартирилиши ижобий натижа бермади. Аксинча, бир қанча қийинчиликлар туғдирди. Шуни ҳисобга олиб, жумҳурият Президентининг фармони билан Қишлоқ хўжалик вазирлиги қайта тикланди. Мева-сабзавотчилик соҳаларини ўз ичига олган махсус концерн тузилди. Шунингдек озиқ-овқат саноати ва балиқчилик концерни тузилди.

Бундай қилишдан мақсад колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш ишларини янада такомиллаштириш асосида халқ таъминотини яхшилашдан иборат. Шунинг учун бу янгидан тузилган вазирликлар, концерн ва бирлашмалар ўзларининг ташкилий ишларини қисқа муддатларда тамомлаб олишлари, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турган муаммоларни тезроқ ҳал қилишнинг янги усулларини жадал амалга оширишлари лозим.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари эътиборини биринчи навбатда бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий масалаларга қаратмоғи зарур. Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолисининг социал масалаларни ҳал этиш, уй-жой, йўл қурилиши, меҳнатга ҳақ тўлашни тобора ошириб бориш учун керак бўлгани барча маблағ колхоз, совхоз ва бошқа қишлоқ корхоналари ҳисобига бўлгани ҳолда даромадни кўпайтириш, банк кредитларидан тўғри фойдаланиш йўллари ташкилот раҳбарларининг доимо диққат марказида туриши керак. Чунки, солиқ системаси ўзгаряпти, қишлоққа керак бўлган қурилиш материаллари, ўғит, эҳтиёт қисмларнинг нархи тобора ошиб боряпти. Бу шароитда ҳар бир хўжалик раҳбари ва мутахассис иқтисодиёт сирларини чуқур ўрганиб олишлари ва ишлаб чиқаришнинг ҳар бир соҳасидан фойда ундиришга ҳаракат қилишлари лозим. Уни фақат ишбилармонлик, ҳисоб-китобни чуқур билишлик ҳал қилади.

Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Кейинги йилларда жумҳуриятимизнинг Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида пахта тайёрлов пунктларини колхоз ва совхозлар ихтиёрига бериб, пахта тозалаш заводлари эса хўжаликлардан келган чигитли пахтани шартнома асосида қайта ишлаб берищ вазифасини ўташ билан шуғулланди. Бу иш яхши натижа берди. Бу тажрибани кенг жорий қилиш бўйича жумҳурият ҳукумати яқинда тегишли қарор қабул қилди.

Азиз ўртоқлар! Ўлкамизга илдам қадамлар ташлаб баҳор кириб келмоқда. Деҳқонларимиз азалдан Наврўз байрамини нишонлагандан сўнг белни боғлаб, дала ишларига жадал киришиб кетганлар.

Асримизнинг тўқсонинчи йиллари биринчи ҳосилига пухта замин яратиш учун аввало барча хил техника тайёрлигини синчиклаб кўздан кечириб, нуқсонларини бартараф этишимиз керак. Ҳар бир экиннинг навлари ва репродукциялари тўла ҳисобга олинган ҳолда уруғи тайёр қилиб қўйилмоғи керак. Шунда экинларнинг ҳаммасини ўз муддатида сифатли экиш учун шароит туғилади. Жумҳуриятимизда баҳорги дон, маккажўхорини экиш бошлаб юборилади.

Экин-тикин ишлари сифатли ўтсин десак, ерларни тўғри тайёрлаш, уруғ экиш нормаларини, чуқурлигини шароитга мос қилиб ўтказишимиз керак.

Ҳар тур экинни алмашлаб экиш хариталарида кўрсатилган далаларга оғишмай тўла жойлаштиришнинг аҳамияти ҳозир ниҳоятда катта. Бунда янглишсак, уни тузатиш учун яна бир йил керак бўлади. Пахтанинг салмоғи анча камайган бу йилда алмашлаб экишни жорий этиш учун шароит яхшиланиб қолди. Шундан тўла фойдаланайлик.

Юртимизда боғ, узумзор, ўрмонзорлар барпо қилиш учун энг қулай кунлар келди. Бу ишни байрамга айлантирайлик! Қўлимизда 20 минг гектар боғ, деярли 10 минг гектар токзорга етарли кўчат бор. Терак, гужум, қорамон ва тол каби иморатбоп ва манзарали дарахтлар учун хўжаликларда махсус ер ажратайлик, кенгайтирилган томорқаларда экин-тикин ишлари яхши ўтиши учун барча шароитларни яратиб берайлик. Бир қарич она ер экинсиз партов бўлиб қолмасин.

Мен маърузада қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ва муаммолари ҳақида тўхталиб ўтирмадим.

Ўйлайманки, бу масалалар сўзга чиққан қурултой қатнашчиларининг нутқида чуқурроқ ёритиб берилади, уларни ечиш йўллари кўрсатилади.

Агросаноат тармоқларини юксалтириш масалалари жойларда конкрет шароитни ҳисобга олиб, колхоз, совхоз жамоаларида, партия ташкилотларида муҳокама қилинади ва ижроси белгиланади. Бу масалалар қишлоқ коммунистларининг асосий вазифаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Ҳурматли ўртоқлар! Халқимизга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тобора кўплаб етиштириб беришдек ғоят улуғвор вазифаларни бажариш йўлида сизларга куч-ғайрат, мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат, Иттифоқимизнинг тенг ҳуқуқли суверен жумҳурияти — севимли юртимиз Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун муваффақиятлар тилайман.

Наврўз

РЎЗНОМАМИЗДА Наврўзнинг қандай нишонланаётганлиги ҳақида вилоятимизнинг барча районлари каби Калинин районидан ҳам репортаж берилди. Бироқ куни кеча жамоатчи мухбиримиз, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Фарида опа Усмонова айём кунлари ана шу районда бўлганлиги, у ердаги тантаналарни ўз кўзи билан кўрганлиги ҳақида мақола тайёрлаб келган эканлар. Қуйида кекса журналист опамиз гувоҳи бўлган воқеалар билан танишасиз.

КЎНГИЛЛАРНИ ТОҒ ҚИЛДИНГ!

Кўнгил хушлиги, дилдан яйраб бир нафас олам-олам орзулар оғушида яшаш қандай яхши-я...

Бундай дамларга кўпдан ташналигимизни шу кунга етиб келганимизда — қадамларига минг сатқа Наврўзи олам кириб келганларида, айниқса, чуқур ҳис этдик. Бу улуғ айёмни қарши олаётган қай бир чеҳрага назар ташламанг, дил ғуборлари кўтарилганини, димоғлар чоғ, кўнгиллари тоғдайлигини кўриб беихтиёр тўлқинланиб кетасан, киши.

Ана шундай ҳолатни мен вилоятимизнинг Калинин районида мурувват, меҳр-шафқатга, янгиланишга чорловчи қутлуғ айём — Наврўзга бағишланган оромбахш тантанада сездим.

Район марказидаги майдонга ҳар бир хўжалик бир-бирига кўз-кўз қилгудай ял-ял яшнаган гўша ташлаган. Тўкин дастурхон атрофида нуроний мўйсафидлар, онахонлар, кўкракларини нишонлар безаб турган илғор кишилар савлат тўкиб ўтиришибди. Эрта тонгдан қалбларни тўлқинлантириб, дилга ажиб байрам шодиёнасини бағишловчи карнай-сурнай садолари янгради. Расмий равишда эса байрам ташкилотчилар ва раҳбарият йиғилганларни Наврўзи олам билан қутлаганларидан сўнг бошланди. Район партия комитетининг биринчи котиби Ж. Маликов табрик сўзлари айтди.

Қутловчилар кўп — нуроний отахон, Занги ота имоми Қосим бува, уруш ва меҳнат фахрийси Жамол оталар табаррук айёмнинг хосиятларини таърифлашди. Бир ёнда қардош меҳмонлар, улар Чимкент вилоятидан келишган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хонишхон Асқаров қозоқ халқининг қутловини йўллаб ўзларида ўтказилган Наврўз тантанасига ўзбек вакилларини таклиф этди.

Шундан сўнг майдонда тантана бошланиб кетди. Бу маросимга қараб кўзинг қамашади. Ҳар бир жамоа хўжалиги ким ўзарга тайёрлик кўрган. Улар унутилаётган ўйинлар, миллий урф-одатларимизни тарғиб қилувчи номерлар билан чиқишди. Совриндорлар билан танишинг: биринчи ўрин «Москва» шўро хўжалиги ишчи-хизматчиларига насиб этди. Охунбобоев номли шўро хўжалиги иккинчи, Свердлов номли жамоа хўжалиги эса учинчи ўринларни қўлга киритишди. Ғолибларга совғаларни айтмайсизми — ҳар бирига енгил автомашина, «Рассвет», «Тўқимачи», Навоий номли хўжаликлар эса рангли телевизор билан мукофотландилар.

Айтганча, Навоий номли жамоа хўжалиги ҳақида. Бу хўжалик ўз тарихи давомида неча номлар билан юритилмади? Сўнгги номи Куйбишев эди. Мана улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан унинг номи ана шу жамоа хўжалигига берилди. Хўжаликнинг ўзида ҳам Наврўз кенг нишонланди. Бу ерда кишининг ижтимоий келиб чиқишига қараб эмас, балки ёшига муносиб равишда ҳурмат қилинади. Айём кунлари ҳам не-не кунларни кўрмаган уруш фахрийлари, уларни жангу-жадалга кузатиб, улар учун ҳам хизмат қилган табаррук онахонлар дастурхон тўридан жой олишди. Наврўз неъмати — сумалагу-ҳалим, патиру-кўк сомсалар қўйилган тўкин дастурхон устида мана шу кунлар учун жонини қурбон қилганлар руҳи покига ҳамду санолар айтгим келади. Хўжалик раҳбарияти ҳалок бўлганлар хотирасини ёд этиш билан бирга шу кунларга етиб келганларни ҳам унутишмади. Гап уларга берилган пул ва совғалар ҳақида эмас. Муҳими, уларга эътибор бир дақиқа ҳам сусаяётгани йўқ.

Даврада улардан пастроқда илғор сабзавоткорлар, тўкин дастурхонимиз сабабчилари — бригада бошлиғи Турсунбой Султонов, Шарофат Шерматова, пиллакор Ҳайринисо Жамоловалар жой олишган. Булар хўжалик фахри.

Узоқдан ёқимли алла овози эшитилди. Район соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимлари жонли кўргазма ташкил этишган. Бу ерда «Келин салом»ни кўриб «Алла болам»ни эшитиш мумкин. Врач ва ҳамширалар ажойиб уй бекалари эканлигини ҳам кўрсатишди. Мукофотига эса рангли телевизор улар иш жойидан ўрин оладиган бўлди.

Хуллас, Наврўзга тайёргарлик районда аввалдан пухта тайёрланганлиги кўриниб турибди. Ёрдамга муҳтожлар, фахрийлар, ногиронлар бирма-бир рўйхатга олинди. 34 уруш ногирони, Афғонистондан қайтган 11 ногирон ва 40 аскарнинг хонадонларига хайр-эҳсон кўрсатилди. 38 ёлғиз оилага, 410 мактаб ўқувчисига 22 сигир ва пул маблағлари берилди.

Районнинг «Назарбек», «ХХ партсъезд», Гагарин номли хўжаликларида ҳам Наврўз ўзгача нишонланди. Кишилар шодлигига шодлик қўшилди.

Булар ҳаммаси қадамингдан ўргилай Наврўзнинг шарофати. Ўлкамиз бўйлаб қутлуғ қадам ташлайвергин, яхшиланиш, яшаришдан дарак топган фасли баҳорнинг кўркига кўрк қўшавергин, мунаввар Наврўз!

Фарида УСМОНОВА,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

● **ВИЛОЯТИМИЗДА Наврўз тантаналари давом этаётир. Хуршиди олам Ҳамал буржига кириб ўлкамиз бўйлаб баҳор шабадалари ела бошлаган дақиқадан бери қанчадан-қанча сумалагу, ҳалимлар пиширилди. Кўклам шодиёналари айни авжига чиққан шу кунларда одамлар эзгуликка, бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатишга ошиқмоқдалар. Наврўзга бағишлаб вилоятимизда уюштирилаётган тадбирларнингку ниҳояси йўқ.**

Сиз кўриб турган ушбу суратларда Оржоникидзе районининг Крупская номли қишлоғида бўлиб ўтган Наврўз тантаналари лаҳзалари ўз ифодасини топган. Мазкур қишлоқда бу йил янги ҳосил йили шодиёналари ғоят кўтаринки кайфиятда, меҳр-мурувват, саҳоват билан ўйғун ҳолда нишонланди. Байрам куни «Ленинград» парранда наслчилик фабрикаси ўз қарамоғидаги 34-мактабга 200 сўм, турмуш шароити оғир бўлган оилаларга 700 сўм миқдорида пул инъом этди. Икки қозонда қайнаб турган ҳалим ва сумалак билан бир қаторда халққа куй ва қўшиқлар билан йўғрилган чексиз қувонч ҳам улашилди.

Баҳорнинг тотли таомларидан татиб кўриб, байрам томошаларидан баҳраманд бўлиш учун йиғилган тумонат одамлар «Наврўзимиз қадами қутлуғ бўлсин, у билан бирга ўлкамизга қут-барака кирсин» деб ният қилдилар.

У. ИБРОҲИМОВ ва И. ШЕРБЕК суратлари.

ТЕМУР ТАХТГА ЎТИРГАН КУН

1370 йил баҳори ўлка учун ажиб тарих саҳифасини очди. Бу мустақиллик баҳори эди. Юз эллик йил мўғуллар мустамлакаси бўлиб асоратда яшаган Мовароуннаҳр аҳли энди мустақил давлат паноҳида эркин нафас олди.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва бошқа шаҳарлар, юзлаб қишлоқларда барча сайилга чиққан. Баҳор байрами ғалаба байрамига уланди. Орзиқиб кутилган озодлик қуёши икки дарё — Сирдарё ва Амударё оралиғи — Мовароуннаҳр ўлкасига нур сочмоқда.

Бойлар ҳам, камбағаллар ҳам мўғул асоратидан қутулганликларидан бирдек хурсанд. Энди ҳеч ким улар жони, номуси ва мулкига дахл этмайди. Қизларини, бола-чақаларини қул-чўри қилиб сотмайди. Мустамлакачи мўғуллар зўравонлиги барҳам топди. Ҳеч ким энди уларнинг эркига, турмушига раҳна солмайди. Бемалол ерга уруғ ташлаб деҳқончилик қилаверади. Ҳунарманд ҳунарини қилиб, молига ўзига хўжайинлик этаверсин. Савдогар эркин олди-соттисини қилсин.

Ғалаба, Наврўз шарафига бойлар камбағалларга туялар, отлар, мол-қўйлар эҳсон қилишди. Улар эса ўз навбатида қаровсиз далаларга ариқ очишга, ташландиқ жойларда боғ-роғлар яратишга бел боғлашди.

Зиндонлардаги барча бандилар озодликка чиқарилди, одамлар эски ғиналар-у, адоватларни унутиб бир-бирларини сийлай бошладилар. Дарвешлар ва қаландарларнинг ҳам омадлари юришиб бой совға-эҳсонлар тўпланди.

Наврўз байрамининг бош қаҳрамони Темурбек эди. Одамларнинг оғзидан унинг исми тушмас эди. Мўғуллар билан неча йиллар жанг қилиб машаққат чеккан ким? Юртига мустақиллик берган ким? Темурбек!

Миннатдор халқ янги туғилган чақалоқларни унинг номи билан атади.

Балхда ўтган қурултойда уни халқ бир овоздан ҳукмдорликка сайлади. Ўша 10-рамазон тунида Маккадан келган аллома Мир Саид Барака Мовароуннаҳр ҳукмдорини сайлашга тўпланган ҳалойиқ олдида Темурбекдан сўради:

• Тарихдан бир лавҳа

— Темурбек, халқдин сўрангчи, у сизни истайдими?

Минглаб овозлар янгради.

— Сен бизнинг султонимиз!

— Соҳиб-ул-қирон!

Мир Саид Барака Темурни кигиз олдига келтириб унга баланд овозда мурожаат қилди:

— Халқ номидан шуни айтаман сенга, Темурбек! Сенга фақат Оллоҳ иродаси-ю, адолатгина қонун бўлсин. Ёдингда тут. Куч—адолатда! Борди-ю, адолатдан чекинсанг, мана шу кўз олдингда турган кигиз парчасидан маҳрум бўласан!

Темурбек Мир Саид Барака гапини тугатгач, халққа мурожаат қилди:

— Сизларни чорлаганимда олдимга келасизларми?

— Ҳа-ҳа!— янгради гулдирос хитоблар.

— Қаерга бошласам ўша ерга бораверасизларми?

— Борамиз! Борамиз!

Ноғора, карнай, сурнайлар садоси остида саидлар ва саркардалар уни кигизга ўтказишиб осмонга баланд кўтаришди.

— Оллоҳу акбар!— дея уч марта тепага кўтариб пастга туширишди. Шу тариқа халқ ўз озодлиги учун курашда мўғул хонларидан ғолиб чиққан қаҳрамонини ҳукмдорликка сайлади ва унга содиқ бўлишга онт ичди.

Темурбекнинг мустақил мамлакатнинг мустақил ҳукмдори сифатидаги биринчи ишлари ҳам халққа манзур бўлди. У мамлакатда қонун-тартиб ўрната бошлади. Барча мансабдорлар маошини бозордаги нарх-навога қараб белгилади. Бозорда нон, гўшт каби кундалик харид моллари нархига қараб оддий аскардан тортиб то мингбошига қадар мансабдорлар, хизматчилар маоши гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб турадиган бўлди.

Ўлка иқтисоди бозорга мосланди. Нарх-навони назорат қилувчи раислар тайин этилди. Ўғрилик, талончилик ва қароқчилик қаттиқ жазоланувчи тартиб жорий қилинди. Қонун олдида оддий фуқародан тортиб ҳокимгача тенг бўлди. Бир куни Самарқанд ҳокими порахўрлиги аниқланганда у дорга осилди. Ўртага тушган амалдор ҳам порахўрни ҳимоя қилгани учун ёнидаги дорга тортилди.

Темурбек ўзини ҳам фуқарога тенг кўриб ўз фаолиятини назорат қилувчи икки раис — нақибни тайинлади. Улар ҳукмдорнинг барча фармонларини тўғри ёки нотўғри эканлигини кузатишлари ва очиқ ҳақиқатни юз-хотир қилмай унга айтишга мажбур эдилар. Ўлкада деҳқончилик, ҳунармандчилик ва ободончиликни ривожлантиришга оид фармонлар чиқарилди.

Наврўз сайлида Темурбек ва унинг мулозимлари халқ орасида барча қатори янги йилни нишонлашди.

Мовароуннаҳр тарихида мустақиллик саҳифасини очган 1370 йил Наврўзи тантаналари халқ хотирасида муҳрланиб, солномачилар қаламига тушди. У ўлка тарихида нишонланган энг катта ва энг қувончли тантана сифатида мураррихлар асарларидан ўрин олди.

Ҳамдам СОДИҚОВ.

ШОДЛИК УЛАШИБ

НАВРЎЗ шарофати билан ободонлаштириш ишлари ҳам авж олди. Юнусобод даҳаси, 15-мавзесидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» маҳалласида олиб борилган ишлар бунга мисолдир. Маҳалла марказида бунёд этилган Алишер Навоий номли «Боболар ва набиралар» хиёбони ва оталар чойхонаси атрофига ҳозиргача салкам 300 туп олма, ўрик, нок, гилос, ёнғоқ сингари мевалар нинг кўчатлари экилди. Бу ҳайрли ишга Ўзбекистон ССР халқ депутати Салим Пўлатов ва у ректорлик қилаётган Тошкент автомобиллар транспорти ва йўл инженерлари институти ўқитувчи, талабалари бош-қош бўлдилар. Улар ёрдами билан йўлкаларни супириб-сидириш, сув ариқларини тозалаш сингари савобли ишлар ҳам бажарилди.

— Маҳалла аҳли,— дейди қўмита раиси Эгамназар Ғойибназар ўғли Қодиров,— Ўзбекистон ССР халқ артисти Маъмура Эргашева ҳизматидан миннатдор бўлмоқда. У бадиий раҳбарлик қилаётган М. Турғунбоева номли «Баҳор» дастаси бир гуруҳ хушовоз хонанда-созандалари, ўйинчи қизлари мароқли концерт беришди.

Маҳалла олиб бораётган оммавий, мафкуравий, тадбирий маданий ишларда ногиронлар, бева-бечораларга саҳоват ва мурувват кўрсатишга катта аҳамият берилмоқда.

Турмушда нималар бўлмаяпти, дейсиз: 62 уй 30 хонада умр йўлдошидан ажралиб қолган қозоқ қизи Ақча Тўлаганова жўжабирдек жон — олти бола билан яшайди. Улуғ айёмда фаоллар уни йўқлашди. Палос совға қилишди. Фуқаролардан —уйғур фарзанди, кекса отахон Маҳмудохун Хошимов, уч болали ёлғиз она Зулҳумор Эрматова, биринчи гуруҳ мажруҳи Миркарим Акбаровлар ҳам хайрия эҳсонидан баҳраманд бўлдилар. Ёрдамга муҳтож Баҳром Мирзаев оиласи бундан буён чанг-чунгни тозалашда қийналмайдиган бўлди. Оила аъзолари қаторида чанг сўрғич машинаси бор энди.

Наврўз улашган совғалар ҳали узоқ вақтгача кўнгилларни шодон этади.

Н. ИСАЕВ.

КЕКСАЛАР ДУОСИНИ ОЛИШДИ

ХАЛҚИМИЗ Наврўз байрамини бир неча минг йилдан бери гоҳо очиқ, гоҳ яширин нишонлаб келди. Қайта қуриш шарофати билан Наврўз байрами расман тикланди. Баҳор байрамларидан бўлмиш бу қутлуғ айём эзгуликка, меҳр-оқибатга чақиради. Наврўз байрами нафақат республикамиз балки дунёнинг кўпгина мамлакатларида катта анжуман ҳисобланиб, нишонланмоқда. Ҳозирги кунда республикамизнинг қайси ерига борманг, тантана гувоҳи бўлишингиз аниқ. Шундай файзли кечалардан бири 21 мартда Оҳангарон шаҳридаги қариялар уйида ҳам ўтказилди. Байрамни Олмалиқ гўшт комбинати хайрия сифатида ўз ҳисобларидан ташкил этдилар. Дошқозонлар осилиб, сумалак, палов ва бошқа Наврўз таомлари дастурхонга тортилди.

Кечани қариялар уйи директори Э. Оқилов кириш сўзи билан очди. Тантанада район партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари район Кенгашининг раиси С. Балашов, Олмалиқ гўшт комбинатининг директори Н. Рихсиев сўзга чиқиб отахонлар ва онахонларни кириб келган баҳор байрами билан табриклашди. Ўтказилган бу тантанада район партия комитетининг бюро аъзолари, халқ депутатлари район Кенгаши президиумининг аъзолари иштирок этдилар.

Наврўз муносабати билан қариялар уйи ҳисобига шу кунгача Олмалиқ мебель комбинати 100 та стул, 50 та диван, Оҳангарон ун комбинати 6 минг сўм, «Ғаллақудуқ» совхози 4 минг сўм, «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхози 3 минг сўм, Олмалиқ кон-металлургия комбинати 15 минг сўм, пул ўтказишди. Шу куни Олмалиқ гўшт комбинати отахонларга онахонларга 120 метр пояндоз совға қилди. Олмалиқ шаҳрининг 19-ўрта мактаб бадиий ҳаваскорлик дастаси, Оҳангарон ун комбинати бадиий ҳаваскорлари дилрабо куй-қўшиқлар, миллий рақслар билан кечага янада файз киритдилар.

Даврон АҲМАД.

ОФТОБ ҲАМАЛ БУРЖИДА

...Одат қилмиш тахту тож, қулоҳ
Каюмарс номли шоҳ, саодатли шоҳ.
Ҳамал буржига кириб қолганда офтоб,
Жаҳон ёриб кетди, нурланарди об.
Абул-Қосим ФИРДАВСИЙ.

Чор тарафдан Наврўз байрамига чорлаб, карнай-сурнай садоси янграмоқда. Бу кун Тошкент шаҳар Сирғали районидаги 27-ҳунар-техника билим юртида катта тантана билан Наврўз байрами ўтказиляпти...

Билим юртида лазиз ва табаррук таом сумалакнинг пиширилишидан тортиб, эртасига тайёрланган паловларгача ҳамма-ҳаммасини билим юртининг талабалари, бўлажак тикувчию, дурадгорлар, бўёқчию ҳисобдонлар тайёрлашган.

Хонтахталар устига ёзилган дастурхонларда анвойи гуллар баҳор шамолига елпиниб турибди. Мен, оқсоқолларни, қарияларни, меҳмонларни елиб-югуриб кутиб олаётган билим юрти директори Шорасул Муродов билан бир зумгина суҳбатлашдим. У кишининг гапларидан қуйидагилар ойдинлашди. Уч-тўрт йилдирки, муттасил Наврўз байрами ўтказилаётган билим юртида ёш талабаларнинг аксарияти ўзбек йигит-қизлари эканлиги бу ерда миллий кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилаётганидан далолат беради. Билим юртида «Доирачилар», «Ашулачилар», «Ўзбек халқ чолғу асбоблари гуруҳи», «Миллий театр» каби тўгаракларнинг мунтазам ишлаб тураркан. Районнинг мактабларидан қизиқувчи болалар тўгаракларда қатнашаркан. «Миллий театр»да ўзбек халқининг урф-одатларини, миллий анъаналарини тиклашга, ўзбек халқининг миллий ғуруруни кўтаришга хизмат қиладиган саҳна асарлари яратишга эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам Тўлқин Икромов бошчилик қилаётган бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг Наврўз дастурхони атрофида йиғилганларни хушнуд этган ҳар бир чиқиши олқишларга сазовор бўлди. «Миллий театр»нинг «Қиз узатиш» томошаси мухлисларда қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Наврўзи оламга таклиф этилган Тошкент тўқимачилар саройи «Лола» ансамбли раққоса қизчалари, Одилжон Раҳимов бошчилигидаги вокал-чолғу гуруҳи, намунавий доирачилар гуруҳи иштирок этдилар.

Билим юртида ўтган Наврўз байрами ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Осмонда эса Қуёш порлади, У Она заминга меҳр нурларини сочмоқда.

Т. ЁРҚУЛОВ.

ҚУТЛУҒ АЙЁМ АЛЁРИ

ДЕЙДИЛАРКИ, бу бўстон ичра гул кўп, чаман кўп. Зеро, кимдир классик шеърият шайдоси бўлса, биров бармоқ вазнидаги шеърларни кўпроқ хушлайди. Албатта, ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзи, феъл-атвори, таъби ва нафосатни идрок этиш кўникмаси мавжуд. Бу ҳақда гап борар экан, Дилмурод «классик шеъриятдан баҳра олмасликни назм бўстонига кириб, булбул навосини тингламай чиқишга ўхшатаман» дейди. Унинг бу нуқтаи назарида жон бор. Дарҳақиқат, биз ўзимизнинг ғоят бой адабий меросимиздан анча узоқлашиб кетганмиз.

Азиз муштарийлар, Дилмурод Саидов кўнглидан туғилган наволар — унинг ғазаллари билан ҳам танишиб кўринг-чи...

Келинчакдек товланиб келди гулсанам Наврўз,
Ёшаргандек кўринди кўзларга олам, Наврўз.

Сирға монанд куртаклар, баҳор ҳусни ўзгача,
Қирларга тўшаб гилам, сеп ёйди бу дам Наврўз.

Қуёш кокул тарайдур, сабо унга машшота,
Зимистонда дард инган ҳар дилга малҳам Наврўз.

Қадамида чаманлар, жилмайиши — лолазор,
Севинчдан сочилади дур каби шабнам, Наврўз.

Тунни боғлаб сочига, қошга ҳилол қўндириб,
Яшил хилъат эгнида одимлар ҳуррам Наврўз.

Тилак қилиб бокира, эзгуликка интилган —
Етар ҳар дил муродга — барчага ҳамдам Наврўз.

* * *

(ШИРУ ШАКАР)

Фасли гул, фасли тараб,
фасли муҳаббатдир бу кун,
Тўлди шодлик ҳар тараф,
андуҳ ҳижолатдир бу кун.
Дилбар биё-ю раҳ мадеҳ
ба ҳижрону нолаҳо,
Қил азимат сайри боғ
ҳар дам ғаниматдир бу кун.
Сен бирла мен — улфати дў,
кел этайлик гўфтугў.

(НАВОИЙГА ТАТАББУЪ)

Садқа айлаб жонни жонондин инъоме топмадим,
Дил бериб, тинчим бузиб дилга ороме топмадим.

Кундузи девонадек юрдим кўйида кў-бакў,
Кечалар зорин чекиб, осуда шоме топмадим.

Фарҳоду Мажнун, Узро номин улуғлаб сўзладим,
Лек ўзим бу шевада иззат — икроме топмадим.

Кўрди эл ҳолимни ҳам билди менн девона деб,
Билурға эл ҳолини Жамшидий жоме топмадим.

Сидқим намоён айладим ёрға қул бўлғон маҳал,
Ишқида шоҳ бўлдиму содиқ ғуломе топмадим.

Носиҳу беишқ киши ҳар кун тараб айлар, қаранг,
Дилмурод, ошиқ бўлиб бир хуш айёме топмадим.

* * *

Минг тасаддуқ йўлига
жоно — дилором келдилар,
Мендайин минглаб зорини
этгали ром келдилар.
Сайради кўнгил қуши
ишқ гулшанида чарх уриб,
Етказиб гул бўйини
сочганча гулфом келдилар.
Хаста бўлганди кўнгил
вақти зимистон зорланиб,
Ул баҳор отлиғ табиб
беморга ором келдилар.
Битди армону ғам бу кун,
яйради борлиқ эли,
Кетди дил заҳми, сабаб —
кўнгилга некком келдилар.
Дил мурод ҳосил бўлиб,
айшинг келибдир қайтадан,
«Хуш келибсан!» — денг элим.
Наврўзи айём келдилар!

* * *

Ҳар касе, ки саломат аст —
катта давлатдир бу кун.
Кел, пояндоз нури чашмам,
хона, дил пурнур бекўн,
Сўзад кй ағёр эрур,
ба ёр мурувватдир бу кун.
Ёрам макўн ёди беҳешт,
Дилмуродингга етиш,
Кел. нигоро, ҳам бубин
Наврўзи жаннатдир бу кун.

Дилмурод САИДОВ.

БАҲОР ТУФАЙЛИ КУЛАДИ ОЛАМ

Пойтахтдаги Халқлар дўстлиги музейида халқимизнинг кўҳна байрами — Наврўз муносабати билан ўтказилган катта шодиёна шундай номланди. Мазкур музей ходимлари Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг бадиий кўргазмалар дирекцияси билан ҳамкорликда шу тадбирга бағишлаб Ўзбекистон амалий санъати намуналарини намойиш этдилар. Халқ усталарининг нодир асарлари фонида турли санъат даста лари ижросидаги чиқишлар тантана иштирокчиларига жуда маъқул бўлди. «Санъат байрами» республика танловлари совриндорлари, Охунбобоев номли Октябрь пионерлар уйи «Камалак» вокал дастаси доирачилари ва хонандалари, Тошкент давлат консерваториясининг ғижжакчилар камер оркестри ижро этган куйлар олқишлар билан кутиб олинди.

Бу ерда Наврўзни ҳар йили Фаластин, Сурия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан келиб, Тошкент олийгоҳларида таҳсил кўраётган хорижлик талабалар билан баҳамжиҳат нишонлаш анъанага айланиб қолган. Бу галги тантаналарда ҳам кўпгина чет эллик талабалар мазкур дўстлик байрамида иштирок этиш учун музейга келишди.

Суриялик Озод ва Рашид Аҳмадлар араб, урду ва ўзбек тилларида бир қатор қўшиқлар айтиб беришди. Айниқса, улар ижросидаги «Қиз бола ёр» қўшиғи кўпчиликка маъқул тушди. Охунбобоев номли пионерлар уйининг ёш раққосалари меҳмонларга «Манипури» классик мактаби услубида ижро этилган «Гуллар қўйиш» ҳинд рақсини туҳфа этдилар.

Ганалик толибалар Мариам ва Рукаят ўз миллий халқ рақсларидан бири «Адоа» рақсини ижро этиб беришди. Камбоджалик Каролин ва Радхай исмли қизлар ижросидаги тинчлик, эзгулик, бахт, баҳорни тараннум этувчи рақс ҳам ўзининг бетакрорлиги билан тадбир иштирокчиларини мафтун этди.

Раққосалар томошабинларга гуллар инъом этишди. М. Уйғур номли Тошкент давлат санъат институти толиблари З. Султонов ва З. Қурбонбоев ўз устозлари Ф. Сапарбоев билан бирга «Аёллар бор учун» ва бошқа бир қатор ўзбек халқ қўшиқларини ижро этиб бердилар. Ортиқ Султонов, Хоразм куйларини чалиб, «Лазгиға ўйнай бошлаганда эса даврага меҳмонлар — Гана, Сурия, Ҳиндистондан келган талабалар ҳам тушиб кетишди. Халқлар дўстлиги музейида яна узоқ вақт дунё халқлари куйлари жаранглаб турди.

Байрам тантаналари давом этмоқда.

Р. МУХТОРОВА.

Абдулла ОРИПОВ — 50 ёшда

НАВРЎЗ БИЛАН ЭГИЗАК ШОИР

ҚАРШИ шаҳридан учтўрт чақирим нарида бир пайтлар арши аъло билан сирлашган, ҳозир эса кексайиб, ер қаърига тобора кўпроқ кириб бораётган Қўнғиртоғ исмли тоғ бор. Бу тоғнинг этагида қадим даврларда ўзбекнинг некўй номли уруғи яшаган. Бугун ўзбек элатининг бошқа турфа уруғлари сингари некўз ҳам халқнинг улуғ ва бепоён уммонига сингиб-қўшилиб кетган. Ҳозир ўша уруққа мансуб аждодлар яшаган жой Некўз деб аталади. Бундан роса ярим аср муқаддам — 1941 йил 21 мартда Некўз қишлоғида Наврўз билан эгизак бир фарзанд туғилди. Бу фарзаднинг номи бугун бутун ўзбек диёрига машҳур шоир Абдулла Ориповдир.

Эҳтимол бир кун келиб, Косон районидаги Некўз қишлоғи ҳам тарих қаърига сингиб кетар. Аммо бугун аниқ айтиш мумкинки, ўшандай олис ва кўнгилсиз келажак келган тақдирда ҳам Некўз қишлоғининг номи атоқли ўзбек шоири Абдулла Орипов туфайли энди маданиятимиз тарихида абадул абад қолади.

Абдулла саккиз болалик оиланинг кенжа фарзанди бўлгани учун отаси унинг бошқа акалари қатори Қарши ё Тошкентга бориб ўқишини дастлаб истамади. Боғбон ота ўзининг бу ўлмас, элни-юртни ноз-неъматлар билан таъминловчи, ўзи ҳам самарасидан бебаҳра қолмовчи ҳунарини севимли фарзандига мерос қилиб қолдирмоқчи эди. Лекин ноилож, тақдир каромати олдида отанинг эзгу бир нияти ҳам фақат армон бўлиб қолар экан. Йиллар армони бўлиб. Аммо улуғ шоирга ота бўлиш бахтига мушарраф бўлган бу ҳурматли зот афсусланмаслиги керак. Унинг кенжа фарзанди, барибир, боғбон бўлиб ўсди. Фақат у ўз ниҳолларини инсонлар қалбига экди, шу инсонлар қалбидаги ниҳолларни узоқ йиллар давомида парвариш этди ва бугун Абдуллага замондош бўлган кишилар қалбида у яратган мевалар ҳил-ҳил пишиб-товланиб турибди.

Абдулла туғилиб ўсган қишлоқда ўша мушкул йилларда радио ҳам, шубҳасиз, ойнаи жаҳон ҳам, бўлажак шоирга мактаб бўларлик бошқа омиллар ҳам йўқ эди. Аммо унинг турли илмгоҳларда таҳсил кўраётган акалари қишлоққа таътил кунларида келганларида, уйда даста-даста китоблар пайдо бўлар ва хонаки кутубхона кундан-кунга бойиб борар эди. Ана шу китоблар Абдуллага руҳий озиқ бериб-гина қолмай, унинг юрагида шеъриятга нисбатан муҳаббат оловини ҳам ёқиб юборди. Саратоннинг зерикарли, жим-жит кунлари, кузнинг изғиринли оқшомлари, қишнинг олис ва совуқ кечаларида у Пушкин ва Лермонтов, билан, Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғулом билан сирлашиб, шеърият алифбосини симирди. Раҳматлик Маҳкам момонинг турфа ривоятлари, Исмоил чўлоқнинг олди-қочди ҳангомалари орқали халқнинг сеҳрли оғзаки ижоди билан танишди. Ана шу икки манба таъсирида ўзи ҳам нималарнидир қоғозга туширди. Бу қоғозга туширганлари кундан-кунга у орзу қилган шеърга ўхшаб борар эди.

Абдулла 1958 йилда ўрта мактабни битириб Тошкентга келганида унинг ёнида фақат олтин ҳарфлар билан ёзилган етуклик шаҳодатномаси эмас, балки ёдида Пушкиннинг, Лермонтовнинг бошқа классик шоирларнинг, шунингдек, ўзининг ҳам юзлаб сатрлари бор эди. У дорилфунунда таълим олар экан, талабалик йилларининг шукуҳли нафаси, биринчи бўса ва биринчи муҳаббат армони, дастлабки инсоний қувонч ва изтироблар унинг — ёш шоирнинг дафтарига мунис ҳислар ўлароқ тўкилди. Унинг зуваласидаги шоирлик секин-аста баҳор куртаклари сингари ниш ура бошлади.

Абдулла, чамамда, ўз ҳаётининг ана шу баҳорий палласини эслаб, «шеърият киши қалбига, энг аввало, руҳий ташналик, чексиз эҳтиёж, ажиб бир сеҳр тариқасида кириб келади», деб ёзган эди. Бугун биз Абдулла Ориповнинг матбуот юзини кўрган илк шеърidan тортиб то шу вақтга қадар яратган асарларини назардан ўтказсак, уларнинг шеъриятга ҳавас, улкан шоирларга тақлид тарзида эмас, балки чиндан ҳам руҳий ташналик, чексиз эҳтиёж ва ажиб бир сеҳр тариқасида майдонга келганига ишонч ҳосил қиламиз. Чамаси, ҳақиқий шоир ҳамиша шундай — эҳтиёж фарзанди сифатида таваллуд топади.

Ёш шоирнинг эл оғзига тушган дастлабки шеърларидан бири «Тилла балиқча» деб номланган бўлиб, унда уруғи лойқа ҳовузга ташланган ва ташландиқ ушоқларни еб катта бўлган балиқча тасвирланган эди. Абдулла бу шеърида тилла балиқчанинг шу кўлмакдаги ачинарли қисматидан эмас, балки унинг **шу сассиқ ҳовузни дунё деб тушуниши,** билиши мумкинлигидан мутаассир бўлган эди. Унинг оддий ҳаётий манзарадан кутилмаган нозик фалсафий фикр-мулоҳаза чиқаришидаёқ унда катта шоирона нигоҳ ва сезги мавжудлиги рухсор берган эди. У кейинчалик ўзидаги ана шу фазилатни ривожлантириб, ҳаётий мавзуларни ўзбек шеърияти учун янги бўлган нуқтадан туриб ёритишда давом этди. Ана шу аснода ўз ижодий овози ва услубини топди.

Менимча, «Тилла балиқча» Абдулла Орипов ижодининг шаклланиш фаслида ёзилган ва шу фасл доирасида қолиб, бугунги кунда унутилган шеърлари жумласига кирмайди. У Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасидаги норасида образи сингари тимсол даражасида аҳамиятга молик. Тилла балиқча — бу ҳозирги воқеликда, чиркин бир шароитда, баъзан ғаламис кишилар қуршовида яшаётган истеъдод соҳибининг образи. Тилла балиқча — бу, аввало, Абдулла Ориповнинг ўзи. Аммо шоир тилла балиқчадан фарқли ўлароқ бу дунёни фақат ўзи яшаётган кўлмак деб билмайди. У ҳаётдаги нурли, чароғон, юксак воқеаларнинг ҳам гувоҳи; гувоҳигина эмас, балки иштирокчиси. Унинг ижодида ана шу мунаввар ҳаёт тасвири айрича жаранг ва айрича жилога эга.

Одатда шоирлар қавмининг бутун инсониятга мансублигини таъкидлаш ниятида уларнинг на миллати, на ватани борлиги айтилади. Бу мутлақо хато фикрдир. Шоир энг аввало, ўз эл-юртининг фарзанди, унинг куйчиси. Шоир энг аввало, шу эл-юрт табиатини, қалбини, орзу ва армонларини куйлаш жараёнида бошқа эл-юртлар учун ҳам муштарак бўлган қадриятларни теран туйишга эришади.

Абдулла Орипов шеъриятининг гўзал намуналаридан бири «Юртим шамоли» шеъридаги мана бу сатрларни яна бир бор эсланг:

Мен-ку бу дунёда бир зори висол,
Карбало даштида Мажнун сифатман.
Шамоллар ичида мен ҳам бир шамол,
Чечаклар атридан мен ҳам сармастман.
Лекин сен руҳимнинг мангу ҳаёли,
О, юртим шамоли, юртим шамоли...
Эсгин-эй, боғларнинг жамоли кулсин,
Мовий нафас билан тўлсин этаклар.
Учқур қўшиқларга бу олам тўлсин,
Шаънингга шоирлар айтсин эртаклар.
Эсгин, Ватанимнинг таралсин боли,
О, юртим шамоли, юртим шамоли.

Бу мисралар, бу ўтли сўзлар тарзида шоир юрагидан отилган туйғулар ўзбек учун ҳам, фаранги учун ҳам, ҳинду учун ҳам тушунарли ва азиз бўлса ажаб эмас. Аммо улар ўзбек диёридан, аниқроғи Абдулла Орипов учун муқаддас бўлган Қарши чўлларидан эсган шамолдан мавж олган. Шоир ўз юртига бўлган соғинчи, меҳр-муҳаббатини қуйлар экан, тилла балиқча мавқеидан беқиёс даражада кўтарилади. Умуман, у ўзининг нурли оҳанглар билан йўғрилган шеъриятида бугунги воқеликдан, бугунги асрнинг фожиалар, қулфатлар, нохушликлар билан тўла пиллапоясларидан юксалиб, жаҳон классикларининг келгуси авлодлар қалбидаги манзилгоҳига йўл топгандек бўлади.

Нурли оҳанглар — фақат некбин ғоялар ва туйғулар силсиласи эмас. Баъзан шоир ўз қалбидан юзиб чиққан мунгли ҳислар шаклаларини тасвир этганида ҳам китобхон дили бу мусаффо туйғулар туғёнидан хийла покланиб, мунгдан-да нурланган дек бўлади.

Инсон ўз умрини ўйласа кўп вақт,
Қийнайди ўзидан ўтган қусурлар.
Кимгадир айтилмай қолган бир раҳмат,
Кимдандир сўралмай қолган узрлар...
Инсонга тобемас замон, инчунун,
Инсон юрагида аламлар қат-қат.

Фақат бир таскин бор барчаси учун
Афсус чека билсанг — шу ҳам бир давлат.

Абдулла Орипов ўзининг бундай теран инсоний кечинмаларга бой шеъриятида донишманд файласуф даражасига кўтарилган. Абдулланинг ёши анча улуғ ҳамкасбларида ҳам кўринмаган бу фазилат унда қандай қилиб барвақт ниш урди деб сўрашингиз мумкин. Менимча, бунинг боиси шундаки, унинг шоирлик қалби шу давр мобайнида бошқаларга нисбатан кўпроқ меҳнат қилди, унинг миясидаги ҳужайраларнинг аксар қисми фаол ишга жалб этилди. Шу боис унинг нигоҳи ҳам, туйғулари ҳам фавқулодда теранлик касб этди. Шу боис у ҳаётдаги нохуш ҳоллардан кўпроқ озор чекиб, ўзини қуршаган муҳитдаги нораслиқлардан беҳад азоб тортди. У тилла балиқча сингари қўлмакдаги чириган хас-хазонлар билан муроса қила олмади.

Бундан бир қанча йил илгари шоир ўзини қийнаган маънавият муаммоларига доир «Ишонч кўприклари» деган бир шеърини ёзган эди. Бугун маълум бўлишича, бу шеър куни кеча фақат ижодкорлар ўртасида кўзга ташланган қусурларга эмас, балки умуман жамиятимизнинг маънавий тушкунликка юз тута бошлашига қарши қаратилган экан. Шеърдаги ҳар бир сатр шу маънода кишиларни огоҳликка ундовчи, улуғ давлатни оламшумул ҳалокатдан сақлаб қолишга даъват этувчи руҳий қувватга эга экан. Қуйидаги мисралар шундан далолат беради:

Юздан парда кетса,
Дилдан диёнат,
Меҳр ришталари зимдан узилса,
Юракларни босса шубҳа, хиёнат,
Ишонч кўприклари бузилса;
Етимлар ҳақидан қўрқмаса биров,
Сўқмоққа айланиб кетсалар йўллар;
Қиблагоҳлар осий, туғишганлар ёв,
Ғазналарга чўзилса қўллар...
Элнинг шоирлари ғаним зотлар каби
Бир-бирларин ғажиб-есалар;
Минбарларга чиқса кўча-кўйнинг гапи,
Андишани қўрқоқ десалар...
Бундай юртда энди қирғин шарт эмас,
Вабо ҳам қочади ундан йироққа.
Ҳатто дарёлари қурир басма-бас,
Ҳатто тупроқлари тушар титроққа.

Шоир башорат қилган экан. Халқнинг олди бўлган кишиларни тарк эта бошлаган имон туфайли, тўғрироғи, **оммавий тус олган имонсизлик туфайли** бугун бой ва қудратли мамлакатимиз ҳалокат ёқасига келди. Дарёларгина эмас, дастурхонлар ҳам қуриб, мамлакатдан қутбарака қочди. Кимларнингдир иродаси билан халқлар бир-бирларига қарши пичоқ чархладилар...

Ана шундай фожиавий бир шароитда шоирнинг қуйидаги атиги саккиз мисрали шеъри ўзига катта маънони ортгандек бўлади:

Дейдилар, қайгадир ўт кетса, албат,
Чумчуқ хас таширмиш, қалдирғоч-чи, сув.
Балки, бу чумчуқнинг шаънига туҳмат,
Ёнғин нималигин балки билмас у...
Сен дунё ҳолига назар сол бир пас,
Назар сол кўзлардан оққан ёшларга.
Дунёда кулбалар ёнар ҳар нафас,
У доим муҳтождир қалдирғочларга.

Бугунги ёнаётган мамлакатга шу қалдирғоч каби сув элтиб келиб сепувчи, уни нифоқсиз, можаролар-сиз, тўкин ва фаровон **янги замонлар сари етакловчи қаҳрамонлар** зарур. Абдулла Ориповнинг ўзи ҳам ана шундай эзгу ният билан нафас олаётган кишилар сафида.

Ўзбек диёрида Наврўз таровати кезиб юрган ушбу кунларда севимли шоиримиз ўзининг муборак эллик ёшини — эллигинчи баҳорини қаршилаб турибди. У ҳаётининг бу маррасига баркамол бир шоир сифатида, донишманд ижодкор сифатида етиб келди. Ҳали ҳам шеърият унинг қалбига руҳий ташналик, чексиз эҳтиёж ва ажиб бир сеҳр тариқасида оқиб-тошиб кираётгани сир эмас. Биз шоирнинг дўстлари ва мухлислари, шу қутлуғ айёмда унга самимий қалб сўзларимизни йўллар эканмиз, унинг қуйидаги сатрларини ижарага олгимиз келади:

Баҳор-ку ўтади шамолдек шитоб,
Майли, ўтажак у ва ўтар бўлсин.
Азизим, умрингда ҳаво бўлсин соф,
Умринг шамоллари муаттар бўлсин...

Ҳа, Абдуллажон, халққа, ижодга бағишланган умрингиз шамоллари ҳамиша муаттар бўлсин.

Наим КАРИМОВ.

УЛУҒБЕК НОМИ БИЛАН

Улуғ олим ва мунажжим Мирзо Улуғбек номи билан аталаётган Ўзбекистон жамғармасининг фаолият доираси кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда унинг ҳузурида ўқув ишлари, илмий маслаҳатлар билан шуғулланувчи кичик корхоналар ҳам бор.

Жамғарма ўзбек халқининг кўп асрлик маънавий, маданий ва илмий меросини тарғиб қилишни ҳам ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Бу каби ҳайрли ишлар ҳужжатли фильмлар орқали ҳам кенг тарғиб қилиб борилади. Шу мақсадда «Улуғбекфильм» киностудияси ташкил топди.

Янги студияда Улуғбек ҳаёти ва бебаҳо илмий меросга доир фильмлар суратга олинади.

С. ОДИЛОВА.

ЛОЛА — ТОҒ МАЛИКАСИ

ЛОЛАНИ тоғ маликаси, гуллар сараси дейишади. Чунки у неча асрлардан буён мафтункор гўзаллиги билан инсонни ўзига маҳлиё қилиб келган.

Лола пиёзгулдошларга мансуб кўп йиллик ўсимликдир. Сайёрамизда 140 дан ортиқ хили бор. Қизил ва тарғил лолалар Оқтоғ, Қурама тоғларининг юқори қисмида тўда-тўда бўлиб ўсади. Лолаларга муносабат қандай? Муҳофаза қилиш яхши йўлга қўйилганми? Афсуслар бўлсинки, йиллар ўтган сари лолазорлар камайиб бормоқда. Сайилга чиққан дам олувчилар қучоғига сиққанча лола терса, ўз ҳамёнини қаппайтириш пайида бўлган айрим кимсалар иложи борича кўпроқ пуллашга уринмоқдалар. Имонли-эътиқодли, табиат гўзаллигини қадрловчи инсонлар лолафурушларни йўлдан қайтаришимиз, одамларни, айниқса, ёшларни табиат гўзаллигидан меъёрида баҳраманд бўлишга ўргатишимиз ва чақиришимиз зарур.

Ҳ. ОТАҚУЛОВ.

ИШЧИ-ДЕҲҚОН МУХБИРЛАРИ ДОРИЛФУНУНИ ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент ҳақиқати» рўзномаси ҳузуридаги ишчи-деҳқон мухбирлари дорилфунунининг навбатдаги машғулоти — 29 март, жума куни соат 18.00 да 7-қават, 760-хонада ўтказилади.

Ҳурматли талабалар! Машғулотларга фаол қатнашишингизни илтимос қиламиз.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.



● Бекобод районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида янги чойхона биноси қуриб ишга туширилди. Жамоа деҳқонлари энди чойхонада ишдан бўш пайтлари бир пиёла чой устида дунёнинг ишларидан гаплашиб дам олишлари мумкин. Суратларда: янги чойхонада.

Суратказ А. МАЛЬЦЕВ.

Кичкинтойлар ҳиссаси

Пойтахтдаги Фаробий номли 158-ўрта мактабда муборак Наврўз байрами жуда қизиқарли нишонланди. Ушбу кунда илм масканига ота-оналар, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла фаоллари, кекса ўқитувчилар ҳамда район халқ маорифи жамоаси ходимлари таклиф қилинди.

Анъанани ўзининг кириш сўзи билан очган мактаб директори Б. Жўрақулова миллий урф-одатларимиз ҳақида сўзлаб, кечага ташриф буюрганларни улуғ айём — Наврўзи олам билан самимий табриклади. Сўнгра юқори синф ўқувчилари халқ оғзаки ижодидан намуналар келтирдилар. 7-синф ўқувчилари Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасидан қизиқарли кўриниш ижро этдилар.

Байрамда турли тадбирлар: мева кўчатлари ўтказиш, варрак учириш, ўғил болалар ўртасида спорт мусобақалари, қизлар ўртасида «Иқбол» конкурси ва баҳор кўкатлари ялпиз, исмалоқ, жағ-жағ кабилардан миллий таомлар тайёрлаш бўйича танловлар уюштирилди.

Айниқса, мактабнинг кичкинтойлари бўлмиш 1-синф ўқувчилари ўзларининг «Оқ терак», «Бойчечак» каби чиқишлари билан кечага ташриф буюрганларни ҳушнуд этдилар. Шунингдек, байрамга таклиф қилинган 2-мактаб-интернатининг бадиий-ҳаваскорлик дастаси билан биргаликда давом этган ўйин-кулги йиғилганлар хурсандчилигига хурсандчилик қўшди.

Ш. ОБИДОВА.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланади
30 МАРТ СОАТ 19.30 ДА
Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти

Бобомурод ҲАМДАМОВ

КОНЦЕРТИ

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗЛАР!

2—3 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА УСТА ОЛИМ КОМИЛОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН

«З А Р Б—91»

ВУТУНИТТИФОҚ ДОИРАЧИЛАР ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ ҲАМДА

КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИНИ ҚЎРИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артистлари:

Камолиддин РАҲИМОВ, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ

Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофотининг нишондорлари: Ғиёс БОЙТОЕВ, Муҳриддин ХОЛИҚОВ, Обид АСОМОВ.

Чипталар сарой кассаларида соат 10 дан 19.00 гача сотилади. Телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

МЕНАТЕП БАНКЛАРАРО БИРЛАШМАСИ

ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛНИНГ БАРҚАРОР ЭМАСЛИГИДАН ТАҲЛИКАДАМИСИЗ? ПУЛИНГИЗНИ ҚАЕРГА ЖОЙЛАШТИРИШ ҲАҚИДА БИР ҚАРОРГА КЕЛГАНИНГИЗ ЙЎҚМИ?

МЕНАТЕП БАНКЛАРАРО БИРЛАШМАСИ АКЦИЯЛАРИ — Бу Сизнинг пулларингизни ишончли ва истиқболли жойлаштириш имконияти, бу йилига 15 фоизгача дивиденд тўланадиган мунтазам ўсиб борувчи курс демакдир!

БИТТА АКЦИЯНИНГ ЎРТАЧА ҚИЙМАТИ — БИР МИНГ СЎМ.

1991 ЙИЛ 15 МАРТИДАГИ АҲВОЛ БЎЙИЧА КУРС ҚЎШИМЧАСИ ҚУЙИДАГИЧА:

— жисмоний шахслар (фуқаролар) учун — ўртача қийматининг 40 фоизи ҳажмида;

— ҳуқуқий шахслар (ташкилотлар) учун — ўртача қийматининг 50 фоизи ҳажмида.

МЕНАТЕП акцияларини харид қилар экансиз, Сиз ўзингизнинг эртанги кунингизни хотиржам ва бехавотир кутиб олиш имкониятига эга бўласиз.

Тошкент шаҳрида МЕНАТЕП акциялари ВЭМАХА ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ томонидан қуйидаги манзилда соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 12-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 56-22-46, 41-55-81.

«ОЛТОЙ» РАДИОТЕЛЕВИЗИОН АЛОҚА СИСТЕМАЛАРИ БАРЧА ИЖАРАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ РАДИОТЕЛЕВИЗИОН УЗАТИШ МАРКАЗИ

Давлат нарх-наво комитети томонидан 1991 йил учун тасдиқланган 125-сонли прейскурантнинг ўзгарганлиги муносабати билан

БАРЧА ИЖАРАЧИЛАРГА

Тошкент радиотелевизион узатиш маркази билан қайта шартнома тузиш зарурлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Эълон чиққан кундан бошлаб 2 ҳафта ўтгач, барча ижарачилардан олинадиган абонемент ҳақи янги тарифлар асосида ундириб олинади.

Тошкент ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767, адабиёт ва санъат — 325553; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354, жамоатчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими —325727.

Буюртма — 4888. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12